



## “МАРКАЗИЙ ОСИЁ — ЕВРОПА ИТТИФОҚИ” САММИТИ БЎЛИБ ЎТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 октябрь куни Остона шаҳрида “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммитида иштирок этди.



ОРТАЛЫҚ АЗИЯ МЕМЛЕКЕТТЕРИ БАСШЫЛАРЫНЫҢ ЖӨНЕ ЕУРОПАЛЫҚ КЕҢЕС ПРЕЗИДЕНТИНИҢ КЕЗДЕСУ  
2022-ҲИДҒЫ 27 ҚАЗАН, АСТОНА  
MEETING OF HEADS OF STATE OF CENTRAL ASIA AND THE PRESIDENT OF THE EUROPEAN COUNCIL  
ASTANA, 27 OCTOBER 2022

Тадбирда Европа кенгаши Президенти Шарль Мишель, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси

Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари

Ҳожамират Гелдимиратов ҳам катнашди. Кун тартибига мувофиқ, сиёсий мулоқотни ривожлантириш, худудлараро алоқаларни

кенгайтириш, савдо-иқтисодий ҳамкорлик ва маданий-гуманитар аламинувни фаоллаштириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев ўз нутқида Янги Ўзбекистондаги ортага қайтмас тус олган ислохотларнинг асосий устувор вазифаси самарали фаолият кўрсатадиган бозор механизмларига, юқори ҳаёт даражаси ва қўлай турмуш шароитларига эга кучли ҳуқуқий давлатни барпо этишдан иборат эканини таъкидлади. — Биз эришган муваффақиятларимиз билан чеқланмаймиз ва янги ўзгаришлар кўламини янада кенгайтиришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Бу ўринда гап, аввало, қонуннинг сўзсиз устуворлиги, фуқаролик жамияти институтларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, инсон ҳуқуқлари ва гендер тенгликни, сўз ва эътиқод эркинлигини таъминлаш ҳақида бормоқда, — деди давлатимиз раҳбари.

Иқтисодий соҳада бундан буён ҳам тадбиркорлар учун энг қўлай шароитларни яратиш, коррупцияга қарши муросасиз курашиш, рақобат ва инновацион бизнес муҳитининг ривожланишини рағбатлантириш давом эттирилиши қайд этилди.

Яхши кўшничилик ва минтақавий шериклини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “биргаликдаги саъй-ҳаракатлар натижасида Марказий Осиёда мутлақо янги сиёсий муҳит вужудга келди. Бир неча ўн йиллар мобайнида йиғилиб қолган, ҳал этилишига ҳеч ким ишонмай қўйган кўплаб муаммолар бир неча йил давомида бартараф этилди”.

Бугун вазият тубдан ўзгарди. Визасиз режим жорий қилинди, барча ўтказиш пунктлари очилди. Авиакатновлар ва ер транспортини ташишлар кўпайди.

Кооперация алоқалари кучайиб бормоқда, йирик лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестиция компаниялари ва бошқа молиявий воситалар фаолияти йўлга қўйилди.

— Албатта, минтақада ҳали ҳам ўз ечимини топмаган масалалар бор. Бироқ ишончимиз қимматли, бизнинг кучли сиёсий иродамиз ва умумий бунёдкорлик руҳи минтақадаги қардош мамлакатлар ва халқларни янада яқинлаштиришга хизмат қилади, — деди Ўзбекистон етакчиси.

Минтақамизнинг Европа Иттифоқи билан ҳамкорлигини изчил чуқурлаштиришга қақирар экан, Президентимиз бу борада қатор устувор йўналишларни кўрсатиб ўтди.

Энг аввало, савдо-иқтисодий ҳамкорлини ривожлантиришга доир комплекс масалаларни ҳал этиш зарур. Булар:

— саноат маҳсулотларининг Европанинг юқори стандартлари ва техник регламентларига мувофиқлигини таъминлаш;

— ҳозирги мавжуд чекловларни ҳисобга олган ҳолда ЕИ бозорларига чиқиш учун энг мақбул самарали транспорт-логистика коридорларини яратиш, энг аввало, Транскаспий мультимодал маршрутини ривожлантириш;

— европалик истеъмолчилар ўртасида Марказий Осиё мамлакатлари маҳсулотларининг танилиши ва харидоригр бўлиши учун кўшма маркетинг тадқиқотлари ҳамда мақсадли тадбир ва акциялар ўтказиш;

— Европанинг инвестициялари ва технологияларига бўлган катта эътиборни қондириш.

Ушбу масалаларни тизимли равишда ҳал қилиш учун Шавкат Мирзиёев Бош вазир ўринбосарлари даражасида “Европа Иттифоқи — Марказий Осиё” иқтисодий ҳамкорлик кўмитасини таъсис этиш ҳамда “Global Gateway” ташаббусининг мақсад ва вазифаларини қамраб олган ҳолда Савдо-иқтисодий ҳамкорлини чуқурлаштириш ва ўзаро транспорт-коммуникация бўғлиқлигини ривожлантириш бўйича узоқ муддатли стратегик дастур ишлаб чиқишни тақлиф қилди.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари Европа томонини минтақамизда қабул қилинган “Яшил кун тартиби” дастурини амалга оширишда фаол иштирок этишга, жумладан, эко-инновациялар, энергия самардор ва ресурс тежамкор технологияларни кенг жорий этиш, иқтисодиёт тармоқларини рақамлаштириш, “Smart-AKIS” Европа тармоғи ёрдамида “ақли” кишлоқ хўжалигини ривожлантириш, қайта тикланувчи энергия манбалари имкониятларини ишга солишга қақирди.

Давоми 2-бетда

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ “МАРКАЗИЙ ОСИЁ — ЕВРОПА ИТТИФОҚИ” БИРИНЧИ САММИТИДАГИ НУТҚИ

Хурматли ҳамкасблар! Хурматли жаноб Мишель! “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммитининг барча иштирокчиларини яна бир бор қутлайман.

Тадбирни ташкил этгани учун Қозоғистон Республикаси Президенти, хурматли Қосим-Жомарт Кемелевич Тоқаев номига билдирилган миннатдорлик сўзларига қўшиламан.

Биз мазкур форматта амалий ҳамкорликни илгари суриш, инсон, шериклик ва ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш учун зарур бўлган муҳим мулоқот майдони сифатида қараймиз. Учрашуларимиз мунтазамлик касб этишини қўллаб-қувватлаймиз.

Хурматли саммит қатнашчилари! Пандемия оқибатлари ва замонавий таҳдидларга қарамасдан, биз Янги Ўзбекистонда ортага қайтмас тус олган ислохотлар стратегиясини амалга оширишда давом этмоқдамиз. Самарали фаолият кўрсатадиган бозор механизмларига, шунингдек, юқори ҳаёт даражаси ва қўлай турмуш шароитларига эга кучли ҳуқуқий давлатни барпо этиш бизнинг устувор вазифамиз ҳисобланади.

Марказий Осиё аҳолисининг ярмидан кўпи истиқомат қилаётган Ўзбекистонда бугунги кунда фаол демографик ўсиш кузатишмоқда. Бу эса мамлакатимизнинг узоқ истиқболдаги барқарор ривожланиши учун мустаҳкам пойдевор ва қудратли ресурс бўлиб хизмат қилади.

Биз эришган муваффақиятларимиз билан чеқланмаймиз ва янги ўзгаришлар кўламини янада кенгайтиришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Бу ўринда гап аввало, қонуннинг сўзсиз устуворлиги, фуқаролик жамияти институтларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, инсон ҳуқуқлари ва гендер тенгликни, сўз ва эътиқод эркинлигини таъминлаш ҳақида бормоқда.

Биз иқтисодий соҳада бундан буён ҳам тадбиркорлар учун энг қўлай шароитларни яратиш, коррупцияга қарши муросасиз курашиш, рақобат ва инновацион бизнес муҳитининг ривожланишини рағбатлантириш йўлидан борамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, муҳтарам Президент Мишель, Сизга, барча европалик

дўстларимиз ва ҳамкорларимизга саъй-ҳаракатларимизни доимий қўллаб-қувватлаб келаётганингиз учун самимий миннатдорчилик билдирмоқчиман.

Хурматли делегациялар раҳбарлари! Мамлакатимизнинг узоқ муддатли ва изчил тараққиёти бутун Марказий Осиёдаги барқарорлик ва фаровонлик билан чамбарчас боғлиқ эканини биз яхши англаймиз. Айнан шу боис, Ўзбекистон яхши кўшничилик ва минтақавий шериклик масаласини қатъий илгари сузмоқда.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз натижасида Марказий Осиёда мутлақо янги сиёсий муҳит вужудга келди. Бир неча ўн йиллар мобайнида йиғилиб қолган, ҳал этилишига ҳеч ким ишонмай қўйган кўплаб муаммолар бир неча йил давомида бартараф этилди.

Ҳамкасбларим қайд этиб ўтганларидек, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг мунтазам Маслаҳат учрашувларининг самарали механизми яратилди.

Биз, аввало, ўзимиз учун умуминтақа хавфсизлиги ва раванқи йўлида келишув сари қадам қўя олишимизни ибобтладиқ.

Жаноб Мишель, Сизга бу ўзгаришларнинг туб моҳиятини тушунишингизда ёрдам берадиган бир неча мисолларни келтириб ўтсам.

Олти йил олдин бизнинг минтақадаги алоҳида мамлакатлар билан чегараларимиз ёпиқ эди. Ўзаро савдо амалда ривожланмай қолган, биз иқтисодий ҳамкорларни минтақа ташқарисидан қидирар эдик. Барқарор коммуникация, транспорт қатновлари ва фаол гуманитар аламинувлар йўқ эди.

Бугун вазият тубдан ўзгарди. Биз визасиз режимни жорий қилдик, барча ўтказиш пунктларини очдик. Авиатарвозлар ва қуруқлик орқали ташувларни тикладик ҳамда уларнинг сонини кўпайтирдик. Ўзбекистон ва минтақа мамлакатлари ўртасидаги товар айланмаси 10 баробар ўсди.

Кооперация алоқалари кучайиб бормоқда, йирик лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестиция компаниялари ва бошқа молиявий воситалар фаолияти йўлга қўйилди.

Албатта, минтақада ҳали ҳам ўз ечимини топмаган масалалар бор. Бироқ ишончимиз қимматли, бизнинг кучли иродамиз ва

умумий бунёдкорлик руҳи минтақадаги қардош мамлакатлар ва халқларни янада яқинлаштиришга хизмат қилади. Ва мен Европа Иттифоқи ушбу эзгу мақсадларга эришишни қўллаб-қувватлашда давом этишига чин дилдан умид билдираман.

Хурматли ҳамкасблар! Биз минтақамизнинг Европа Иттифоқи билан ҳамкорлигини қуйидаги устувор йўналишларда изчил чуқурлаштириб бориш тарафдоримиз.

Саммит арафасида биз Ўзбекистонда савдо-иқтисодий ҳамкорлик соҳасидаги ишлар ҳолатини таҳлил қилдик. Ҳақиқатан ҳам, мамлакатларимиз “GSP+” имтиёзли савдо тизимига қўшилганидан сўнг Европа Иттифоқи мамлакатлари билан товар айланмасининг ўсиш суръати бизни қувонтирди. Биргина жорий йилнинг бошидан буён юқори қўшилган қийматли ўзбек маҳсулотларининг экспорти қарий икки баробар ошди. Бироқ, афсуски, умумий рақамлар мавжуд улкан имкониятларга ҳозирча мос келмайди.

Давоми 2-бетда

### ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

## САМАРАЛИ ИЖРО, ЮҚОРИ ТАЛАБЧАНЛИК, ПЎЛАТ ИНТИЗОМ — АҲОЛИ ВА ХУДУДЛАРНИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ ИШОНЧЛИ КАФОЛАТИ

Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида юртимиз аҳолиси ва худудларини табиий ҳамда техноген офатлар, ёнгин ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш вазифаси устувор аҳамият касб этади.

Шундан келиб чиққан ҳолда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги республикамиз аҳолиси ва худудларини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ишларини “Ўз вақтида

огоҳлантириш, қутқариш ва ёрдам бериш” шiori остида ташкил этиб келмоқда.

Бугунги шиддатли даврда самарали ижро, юқори талабчанлик,

пўлат интизом — аҳоли ва худудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг ишончли кафолати эканини теран ҳис этган ҳолда белгиланган вазифаларни қатъий ижро интизомини таъминлаш орқали бажариш Фавқулодда вазиятлар вазирлиги раҳбарияти ва шахсий таркибининг бош мақсади ҳисобланади.

Давоми 3-бетда

### ТАРАҚҚИЁТ МАНЗИЛЛАРИ

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан юртимизда инсон қадрини улуғлаш борасидаги кенг кўламли ислохотлар ҳар бир соҳада олиб борилмоқда. Худудларда янгилашиллар давом эттирилиб, одамларнинг турмуш тарзи янада яхшиланмоқда. Ўзгаришлар ҳар бир шаҳар марказидан тортиб энг чекка кишлоқларгача кириб бормоқда.

## ҚАШҚАДАРЁ КЕНГ МИКЁСЛИ ЎЗГАРИШЛАР ОҒУШИДА

Жорий йилнинг 25 октябрь куни Президентимиз раислигида Қашқадарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Мажлисда давлатимиз раҳбари топшириғига биноан, вилоятимиз учун тарихий ўзгаришларга асос бўладиган бир қатор муҳим вазифалар белгилаб берилди.


### Аниқ натижалар кўзга ташланяпти

Президентимизнинг юртимиз ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини оширишга қаратилган қарор ва фармонлари ижроси бугун вилоятда ўз аксини топмоқда. Хусусан, тадбиркорлик муҳити яхшилангани ҳисобига жорий йилнинг

ўтган 9 ойда 12 минг 500 та янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилиб, улар сони 74 минг 400 тага етди. Тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш учун жами 2,4 триллион сўм, шундан “Оилавий тадбиркорлик” дастури бўйича 22 минг нафар талабгорга 561 миллиард сўм кредит ажратилди.

Давоми 5-бетда






www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz\_official



yuz.uz\_news

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI ШАВКАТ МИРЗИЁВНИНГ “МАРКАЗИЙ ОСИЁ — ЕВРОПА ИТТИФОҚИ” БИРИНЧИ САММИТИДАГИ НУТҚИ

Бошланғичи 1-бетда

Биламизки, Европа бозорларида тайёр, хомашё бўлмаган товарлар номенклатураси билан муносиб рақобат қилиши учун мамлакатларимиз қатор комплекс масалалари ҳал этишлари керак.

Биринчидан, бу санаот маҳсулотларимизнинг Европанинг юқори стандартлари ва техник регламентларига мувофиқлигини таъминлаш.

Иккинчидан, ҳозирги мавжуд чекловлари ҳисобга олган ҳолда, Европа Иттифоқи бозорларига чиқиш учун энг мақбул самарали транспорт-логистика коридорларини яратиш, энг аввало, Транскаспий мультимодал маршрутини ривожлантириш.

Учинчидан, европалик истеъмолчилар ўртасида Марказий Осиё мамлакатлари маҳсулотларининг танилиши ва харидорчи бўлиши учун қўшма маркетинг тадқиқотлари ҳамда мақсадли тадбир ва акциялар ўтказиш.

Бундан ташқари, минтақамиздаги қўллаб-қувватлаш Европада инвестиция ва технологияларига катта эътиҳ қўйилмоқда. Уйлаيمانки, ҳамкасбларим бу борада мени қўллаб-қувватлайди.

Мисол учун, Ўзбекистонда Европа компаниялари билан жами 900 та қўшма корхона ва лойиҳалар фаолият кўрсатади.

Мавжуд шароит туфайли биз дунёнинг бошқа минтақаларидан инвестиция ва кредитларни жалб қилаемиз. Бозорларимиздаги Европа компаниялари эгаллаши мумкин бўлган жойини қўллаб-қувватлаш рақобатчи рақобатчилар тўлдирмоқда.

Ушбу масалаларни тизимли равишда ҳал қилиш учун Хукуматларимиз Бош вазир ўринбосарлари даражасида “Европа Иттифоқи — Марказий Осиё” Иқтисодий ҳамкорлик қўмитасини таъсис этишни тақлиф қиламиз.

Мазкур тузилма фаолияти доирасида “Глобал дарвоза” ташаббусининг мақсад ва вазифаларини қамраб олган ҳолда, савдо-иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш ва ўзаро транспорт-коммуникацион боғлиқликни ривожлантириш бўйича узоқ муддатли стратегик дастурни ишлаб чиқиш мақсада мувофиқ.

Қўмитанинг биринчи учрашувини келгуси йили баҳорда Европа тикланиши ва тараққиёт банки Бошқаруви билан кенгашининг йиллик мажлиси арасида Самарқандда ўтказишни тақлиф қиламиз.

Хурматли саммит иштирокчилари! Европа Иттифоқи “Яшил” тараққиёт соҳасида бизнинг асосий ҳамкоримиз ҳисобланади. Европа томонини минтақамизда қабул қилинган “Яшил кун тартиби” дастурини, жумладан, қуйидаги аниқ йўналишларни амалга оширишда фаол иштирок этишга чақирамиз: эко-инновациялар, энергия самарадор ва ресурсларни тежамкор технологияларни кенг жорий этиш; иқтисодиёт тармоқларини рақамлаштириш; “Smart-AKIS” европа тармоғи ёрдамида “ақлли” қишлоқ хўжалигини ривожлантириш; қайта тикланувчи энергия манбалари имкониятларини ишга солиш.

Келгуси йил февраль ойда Римда Атроф-муҳит ва сув ресурслари бўйича “Европа Иттифоқи — Марказий Осиё” мавзусида юқори даражадаги навбатдаги конференцияни ўтказиш тақлифини қўллаб-қувватлаймиз.

Унинг якунлари бўйича аниқ, амалий қадамлар ва тадбирларни ўз ичига олган қўшма “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқишни муҳим деб ҳисоблаймиз. Гуманитар соҳада ҳамкорлигимизни қуйидаги йўналишларда фаоллаштириш зарур: таълим ва инновация алмашувлари; маданий ва сайёҳлик алоқалари.

“Erasmus+” ва “Европа горизонти” дастурлари доирасида қуйидагиларни тақлиф этамиз: таълим бўйича Европанинг илғор методикаларини жорий этиш лойиҳасини амалга ошириш; қўшма фундаментал ва амалий тадқиқотларни ўтказишни ташкил этиш.

Бундан ташқари, мамлакатларимизда Европанинг етакчи олиий таълим муассасалари филиаллари сонини оширишдан манфаатдоримиз. Мисол учун, бугунги кунда Ўзбекистонда Европа давлатлари университетларининг 7 та филиали самарали фаолият юритиб келмоқда.

Биз биринчи минтақавий профессионал таълим лойиҳасини амалга оширишда фаол иштирок этишга тайёримиз.

Европалик ҳамкорларни минтақамиз халқларининг ноёб тарихий мероси, бой маданияти ва

анъаналари билан кенг таништириш мақсадида биз ноябрь ойининг иккинчи ярмида Парижнинг Лувр музейида йирик кўргазма ташкил этишни режалаштирдимиз.

Бундай тадбирларни ҳар йили — Европа давлатларининг пойтахтларида ва маданият марказларида ҳамкорликда ўтказиб бориш тарафдоримиз.

Туризм соҳасида йирик имкониятлар мавжуд. Бугунги кунда Европа давлатлари жаҳон туризм тармоғида мутлақо етакчи ҳисобланади. Улар тарихий мерос объектларини асраб-авайлаш ва реконструкция қилиш, замонавий инфратузилмани яратиш ҳамда сайёҳлар оқимини бошқариш бўйича жуда катта тажрибага эга.

Келгуси йилда Хива шаҳрида ўтказилмайдиган “Европа Иттифоқи — Марказий Осиё” биринчи туризм форуми доирасида Европанинг етакчи операторлари эътиборига Умумий минтақавий туризм маҳсулотлари концепциясини тақдим этишни тақлиф этамиз.

Фикримизча, бундай тадбирлар Европа ва бизнинг минтақамиз халқлари ўртасида бир-бирини яхшироқ тушуниш ва гуманитар алоқаларни мустақамлашга замин яратди.

Хурматли ҳамкасблар!

Минтақавий хавфсизликни таъминлаш муҳим йўналиш ҳисобланади. Биз Европа Иттифоқининг терроризм, радикализм ва экстремизм, уюшган жиноятчилик, наркотрафик ва бошқа умумий хавф-хатарларга қарши курашиш бўйича қўшма дастурлар доирасидаги амалий кўмагини қадрлаймиз.

Халқаро амалиётдан келиб чиқиб, ахборот алмашиш ва замонавий таҳдидларга биргаликда қарши курашиш учун бизнинг махсус хизматларимиз ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларимиз ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйишни тақлиф қиламиз.

Бундан ташқари, Афғонистон масаласида бизнинг нуқтаи назаримизни қўллаб-қувватлагани учун европалик ҳамкорларимизга миннатдорчилик билдирамиз.

Биз жаноб Мишель билан ушбу муаммони бир неча бор очик муҳокама қилдик. Бизнинг бу борадаги хавотир ва ташвишларимиз ўхшашдир.

Биз афғон халқига доимий равишда гуманитар ёрдам кўрсатиб келямиз. Ҳатто энг мураккаб даврда ҳам электр энергияси, нефть ва озик-овқат маҳсулотлари етказиб беришни тўхтатганимиз йўқ. Афғонистонга мамлакатимиз орқали ўтатилган транзит юклари узлуқсиз амалга оширилди.

Бизни кич қелиши билан Афғонистондаги гуманитар вазиятнинг кескинлашуви қаттиқ безовта қилмоқда. Гап у ерда яшаётган, ижтимоий қафолатлардан маҳрум бўлган миллионлаб одамларнинг оғир ахволи ҳақида бормоқда. Ушбу комплекс муаммони мамлакатнинг амалдаги ҳокимияти ҳам, қўшни давлатлар ҳам мустақил равишда ҳал қила олмайди.

Бу ерда бутун халқро ҳамжамиятнинг мувофиқлаштирилган ҳаракати ва ҳақиқий кўмаги зарур. Биз, шунингдек, Термиз чегара шаҳримиздаги логистика ва таълим хабарининг салоҳиятидан фойдаланишда европалик шерикларимиз билан самарали ҳамкорликни давом эттиришга тайёримиз.

Хурматли делегациялар раҳбарлари! Таъкидлаб ўтилганидек, Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича янгиланган стратегияси қабул қилинган вақтдан буён уч йил ўтди.

Афсуски, пандемия сабабли кўпгина тадбирлар ва масалалар тўлиқ амалга оширилмай қолди. Бундан ташқари, глобал ва минтақавий вазият тубдан ўзгариб, бугунги кунда Марказий Осиёдаги интеграциялашув жараёнининг европалик ҳамкорлар томонидан фаол қўллаб-қувватланишини талаб қилмоқда.

Шу муносабат билан биз Стратегиянинг бажарилишини жадаллаштириш ва ҳамкорлик алоқаларимизни мустақамлаш мақсадида кўп томонлама дастурий ҳужжат — “Йўл харитаси”ни қабул қилиш имкониятини қўриб чиқишни тақлиф қиламиз.

Аминанки, ушбу барча масалалар келгуси ойда Самарқандда бўлиб ўтадиган ҳамкорликдаги Ўзаро боғлиқлик бўйича вазирлар анжумани давомида батафсил қўриб чиқилади.

Сўзининг якунида мамлакатларимиз барқарор тараққиётни, раванқ ва фаровонлиги йўлида “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” форматидagi ҳужж, тизимли ва сермахсул мулоқот тарафдори эканлигимизни яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

## “МАРКАЗИЙ ОСИЁ — ЕВРОПА ИТТИФОҚИ” САММИТИ БЎЛИБ ЎТДИ

Бошланғичи 1-бетда

Гуманитар соҳада ҳамкорликни таълим ва инновация алмашинувлари, маданий ва сайёҳлик алоқалари каби йўналишларда фаоллаштириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

“Erasmus+” ва “Европа горизонти” дастурлари доирасида таълим бўйича Европанинг илғор методикаларини жорий этиш лойиҳасини амалга ошириш, қўшма фундаментал ва амалий тадқиқотларни ўтказишни ташкил этиш тақлиф қилинди.

Европалик ҳамкорларни минтақамиз халқларининг ноёб тарихий мероси, бой маданияти ва анъаналари билан кенг таништириш мақсадида ноябрь ойининг иккинчи ярмида Парижнинг Лувр музейида йирик кўргазма ташкил этиш режалаштирилган.

— Бундай тадбирларни ҳар йили — Европа давлатларининг пойтахтларида ва маданият марказларида ҳамкорликда ўтказиб бориш тарафдоримиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари туризм соҳасида улкан салоҳият борлигини таъкидлаб, келгуси йилда Хива шаҳрида ўтказилмайдиган “ЕИ — Марказий Осиё” биринчи туризм форуми доирасида Европанинг етакчи операторлари эътиборига Умумий минтақавий туризм маҳсулотлари концепциясини тақдим этишни тақлиф қилди.

Ўзбекистон Президенти минтақавий хавфсизликни таъминлаш ҳамкорлигининг муҳим йўналиши эканини таъкидлади. У Европа Иттифоқининг терроризм, радикализм ва экстремизм, уюшган жиноятчилик,

наркотрафик ва бошқа умумий хавф-хатарларга қарши курашиш бўйича қўшма дастурлар доирасидаги амалий кўмагини юқори баҳолади.

Халқаро амалиётдан келиб чиқиб, ахборот алмашиш ва замонавий таҳдидларга биргаликда қарши курашиш учун махсус хизматлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш тақлиф қилинди.

Томонларнинг Афғонистон масаласидаги хавотир ва ташвишлари ўхшашлиги таъкидланди.

Ўзбекистон мунтазам равишда афғон халқига гуманитар ёрдам кўрсатиб келмоқда, электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва озик-овқат етказиб беришни давом эттирмоқда, мамлакатимиз орқали Афғонистонга юклар транзити тўхтамаяпти. Чегарада жойлашган Термиз шаҳридаги логистика ва таълим хабарининг салоҳиятидан фойдаланишда европалик шериклар билан самарали ҳамкорликни давом эттиришга тайёрлик билдирилди.

Президентимиз глобал ва минтақавий вазият тубдан ўзгарганини қайд этиб, бу ҳолат бугунги кунда Марказий Осиёдаги интеграциялашув жараёнининг европалик ҳамкорлар томонидан фаол қўллаб-қувватланишини талаб қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Шу муносабат билан Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича янгиланган стратегияси бажарилишини жадаллаштириш ва шериклини мустақамлаш мақсадида кўп томонлама дастурий ҳужжат — “Йўл харитаси”ни қабул қилиш имкониятини қўриб чиқиш тақлиф этилди.

### ЭКСПЕРТЛАР ФИКРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РАҲБАРНИНГ ТАШАББУСЛАРИ МАРКАЗИЙ ОСИЁ — ЕИ ҲАМКОРЛИГИНИ МУСТАҚАМЛАШГА ҚАРАТИЛГАН

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 27 октябрь куни Қозғистон пойтахти Остона шаҳрида бўлиб ўтган давлат раҳбарларининг “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” форматидagi биринчи мажлисида иштирок этди.

Давлатимиз раҳбарининг саммитдаги иштироки якунлари ва анжумандаги нуктада илгари сурилган ҳамкорликни ривожлантиришга доир муҳим тақлиф ҳамда ташаббуслари халқаро ижтимоий-сиёсий, эксперт-таҳлил доиралари вакиллари томонидан фаол қўллаб-қувватланмоқда.

**Илгар ВЕЛИЗАДЕ,**  
**“Жанубий Кавказ” сиёсатшунослар клуби раҳбари (Озарбайжон)**

— “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” саммити турли халқро куч марказларининг ушбу минтақада қизиқишини намоян этди. Жорий йил бошида “Марказий Осиё — Хитой”, октябрь ойда “Марказий Осиё — Россия”, сентябрь ойда эса “Марказий Осиё — АҚШ” шаклларидаги ва бошқа саммитлар бўлиб ўтди.

Ўзбекистоннинг минтақадagi марказий ўрни ва мамлакат илгари сураётган долзарб халқаро ташаббусларга бўлган қизиқиш Тошкентнинг Марказий Осиё давлатлари ва минтақадан ташқаридаги мамлакатлар ўртасидаги мулоқотдаги аҳамиятини рағбатлантирмоқда ва янада оширмоқда.

Шу маънода Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бош вазир ўринбосарлари даражасида “Европа Иттифоқи — Марказий Осиё” иқтисодий ҳамкорлик қўмитасини ташкил этиш бўйича ташаббуси алоҳида эътиборга лойиқдир. Давлат раҳбарининг ташаббуслари икки минтақа давлатлари ўртасидаги муносабатларни сифат жиҳатидан юқори босқичга олиб чиқиш, Марказий Осиё — ЕИ ҳамкорлигини мустақамлашга қаратилган.

**Ежи БРИЛЛЬ,**  
**Марказий Осиё бўйича эксперт, “Польша — Шарк” уюшмаси президенти, профессор:**

— Саммит шаклланаётган янги геосиёсий тизим, дунёнинг етакчи кучларининг сиёсий ва иқтисодий аҳамиятини қайта форматлаш шароитида бўлиб ўтди. Мазкур саммит Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ишонч ва бир-бирига яқинлашини давом эттиришга бўлган тайёрлик даражасини кўздан кечиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, сиёсат, савдо алоқалари, халқаро ҳуқуқ, кўп ва икки томонлама институтлари ўртасида эришилган ютуқларни мустақамлаш, шериклик ва ҳамкорлик бўйича Марказий Осиё —

Европа Иттифоқи институционал шартномалар тузиш имконияти сифатида қабул қилинмоқда.

Анжуман якунлари ушбу шакл ўз аҳамияти ва долзарблигини йўқотмаганини кўрсатди. Европа Иттифоқи учун, ва албатта, Европанинг ҳар бир давлати учун Марказий Осиё минтақаси, биринчи навбатда, геополитик жиҳатдан ҳамда тизимли муносабатларни янада ривожлантириш учун алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Президенти саммитда сўзга чиқиб, Европа Иттифоқини “Яшил” тараққиёт, иқтисодиёт тармоқларини рақамлаштириш, “ақлли” қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, таълим ва илғор услубларни жорий этиш, фундаментал соҳалардаги ҳамкорликни фаоллаштиришга қаратди. Шунингдек, минтақавий хавфсизликни мустақамлашда амалий ҳамкорлик муҳимлиги, Афғонистонга ёрдам кўрсатиш масаласида қилинган ҳаракатлар ва бутун халқро ҳамжамиятнинг реал қўллаб-қувватлаш зарурлиги таъкидланди. Илгари сурилган ташаббуслар кучли сиёсий ирода ва замонавизминг энг долзарб масалалари бўйича ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш, “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” шакли доирасида очик, тизимли ва самарали мулоқотни фаол ривожлантириш истаги борлигидан далолат беради.

Сиз бизнинг яқин қўшниларимизсиз, демак, ўртамаздаги мулоқотни келажакда янада ривожлантириш зарур. Остона учрашувининг мазмун-моҳияти ва Европа Иттифоқининг Марказий Осиё мамлакатларига муносабати шундан иборат. Европа Марказий Осиё минтақасини ўзи учун керак бўлган энергия, озик-овқат, минерал ўғитлар ва бошқа маҳсулотларга эга савдо шериги сифатида ҳам бўлади.

Европа Иттифоқининг ҳар бир давлати Марказий Осиё мамлакатлари билан икки томонлама асосда ҳамкорлик қилади. Бироқ бугунги кунда дунё глобаллашмоқда ва Европа Иттифоқи ўзининг ташқи чегараларига, консолидациялашган иқтисодиётига ва умумий ҳуқуқий базасига эга. Бу ноқонуний миграция, одам савдоси, гнёҳандлик воситаларининг тарқалиши ва бошқа таҳдидларга қарши курашишга ҳам тегишли.

Президент Шавкат Мирзиёев Марказий Осиё давлатларини бирлаштириш, минтақадagi ички ва давлатлараро муаммоларни ҳал этиш, тараққиёт йўлини ижобий томонга буриш,

Ушбу барча масалалар келгуси ойда Самарқандда бўлиб ўтадиган вазирлар тараққиёти, раванқ ва фаровонлиги йўлида “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” форматидagi очик, тизимли ва сермахсул мулоқотнинг тарафдори эканини яна бир бор таъкидлади.

Президентимиз сўзининг якунида Ўзбекистон мамлакатларимиз барқарор тараққиёти, раванқ ва фаровонлиги йўлида “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” форматидagi очик, тизимли ва сермахсул мулоқотнинг тарафдори эканини яна бир бор таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев саммит доирасида Қозғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаров билан учрашди.

Ўзбекистон — Қозғистон яқин шерикчилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустақамлаш масалалари қўриб чиқилди.

Икки томонлама ҳамкорлигининг устувор йўналишларида амалий алоқаларни кенгайтириш зарурлиги қайд этилди.

Товар айирбошлашни қўпайтириш, санаот, энергетика, транспорт ва логистика, қишлоқ хўжалиги соҳаларида, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш иштирокчиларига алоҳида эътибор қаратилди.

Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди. 11 ноябрь куни Самарқанд шаҳрида ўтказилмайдиган Туркий давлатлар ташкилоти саммитининг кун тартиби муҳокама қилинди.

Шу билан Ўзбекистон Президентининг Қозғистонга амалий ташрифи якунланди.

ЎЗА

тўпланиб қолган қарама-қаршиликларни бар-тароф этиш борасида кенг қўламли ишларни амалга ошираётганини яқин биламиз. Бу тенденциялар минтақаларимизни барқарор ривожлантиришга қаратилган асосий вазифаларга тўлиқ мос келади. Шунинг учун ҳам саммитда иштирокчиларга режалар, амалга оширилиши мумкин бўлган лойиҳалар, иқтисодий ва сиёсий мулоқотни чуқурлаштириш ҳақида очик фикр алмашилди.

**Ҳикмет ЭРЕН,**  
**“ЕкоАврасу” Евроосиё иқтисодий алоқалар ассоциацияси бошқаруви раиси (Туркия):**  
— “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” саммитини катта қизиқиш билан кузатдим. Маълумки, Европа Иттифоқи Марказий Осиё республикалари билан фаол ҳамкорлик бўлиб, уларнинг мустақил ривожланишини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича биринчи стратегияси 2007 йилда қабул қилинган ва 2019 йилда янгиланган.

Европа Иттифоқининг Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлигида иқтисодий ривожланиш ва сиёсий мулоқотни фаоллаштириш муҳим жиҳатлар бўлиб, унда Брюссель фуқаролик жамияти ва парламентлар иштирокини таъкидлайди. Минтақадagi барқарорликни мустақамлаш, хавфсизликни таъминлаш, шунингдек, коррупцияга қарши курашиш ва ислохотлар жараёни Европа Иттифоқининг Марказий Осиё билан муносабатлари бўйича кун тартибининг асосий масалалари ҳисобланади. Демократия ва қонуний устуворлиги ҳам Европа Иттифоқи учун муҳим мавзулардир.

Ўзбекистон Президентининг фаол минтақавий сиёсати самарасида сўнгги йилларда Марказий Осиё давлатларининг ўзаро муносабатлари тубдан ўзгарган, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий мазмундаги қўллаб-қувватлаш ҳал этилганга эътибор қаратиш лозим.

Ишончим комилки, Остонада “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” саммити ўз вақтида ўтказилди ва Европа Кенгаши Президенти Шарль Мишель билан долзарб масалаларни муҳокама қилиш кўп қиррали ҳамкорликни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқди, Марказий Осиёда иқтисодий тараққиёт ва барқарорликни мустақамлашга хизмат қилди.

“Дунё” АА

### ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

## ПАРЛАМЕНТЛАРО МУНОСАБАТЛАР БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ АСОСИ

Самарқандда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар Парламентларо Ассамблеясининг кузги сессияси бўлиб ўтмоқда. Тадбирда МДҲ ПАга аъзо мамлакатлар парламентлари делегациялари раҳбарлари ва аъзолари, халқаро ташкилотлар вакиллари, олимлар ва экспертлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этапти.

МДҲ Парламентларо Ассамблея миллий парламентлар томонидан тайинланмайдиган ёки сайланадиган аъзо давлатларнинг парламент делегацияларидан ташкил топган давлатлараро орган ҳисобланади. МДҲ билан бир вақтда ташкил топган Ассамблея ўз фаолиятининг илк кунлариданок янги сиёсий ва иқтисодий шароитларда парламентлар ҳамкорлиги учун муҳим майдонга айланди.

Ўзбекистон МДҲ ПА тузилмасида кенг вакилликка эга ва унинг модель қонунчилигида фаол иштирок этмоқда. Парламент амалиётида илк бор “Органни қишлоқ хўжалиги тўғрисидаги” модель қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ташаббуси илгари сурилган. Охириги икки йил мобайнида 100 дан ортиқ модель қонун лойиҳалари бўйича 300 дан

ортиқ тақлиф киритилган, уларнинг аксарияти қонун лойиҳаларини маромига етказишда инобатга олинган.

МДҲ Парламент ишчи органи кенгаш ҳисобланади, у доимий асосда Парламентларо Ассамблеянинг ишчи ташкил этади. Кенгаш қоида тартибиде йилда икки марта йилгадиган ва янги мажлисини ўтказиши. Бу йил ушбу тадбир учун Самарқанд танлангани бежиз эмас.

— Кейинги йилларда Ўзбекистон ўзининг жозибаси ва халқаро аҳамияти ташаббуслари билан дунёни ҳайратга солмоқда, айниқса, бугунги Самарқанд халқаро глобал масалаларни ечиш майдонига айланди, — дейди Арманистон Миллий мажлиси депутати Алексей Сандиков. — МДҲ давлатларининг ҳар бири ўз танлаган йўли

билан жадал ривожланмоқда, ўз навбатида, умумий манфаатлар ва ҳамжihatлик каби тасмояилларни қадрлайди. Ўзбекистон ва Арманистон бошқа йўналишлар каби парламентларо муносабатларда ҳам фаол дўстона ҳамкорлик қилиб келади. Биз Ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз



ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ – ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

“РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ТОҒ ВА ТОҒОЛДИ ҲУДУДЛАРИДА ХАВФЛИ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИК ВА ГЕОЛОГИК ҲОДИСАЛАР РЎЙ БЕРИШИ ҲЕЧ КИМГА СИР ЭМАС. СЕЛ ВА СУВ ТОШҚИНЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ТАБИИЙ ОФАТЛАР НАФАҚАТ ИНСОНЛАР, БАЛКИ КАТТА-КАТТА ҲУДУДЛАРНИ ХАВФ ОСТИДА ҚОЛДИРИБ, ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТИГА УЛКАН ТАЛАФОТЛАР ОЛИБ КЕЛАДИ. БУНГА “САРДОБА” ВОҚЕАЛАРИНИНГ ЎЗИЁҚ ЯҚҚОЛ ГУВОҲЛИК БЕРАДИ.

САМАРАЛИ ИЖРО, ЮҚОРИ ТАЛАБЧАНЛИК, ПЎЛАТ ИНТИЗОМ –

аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг ишончли кафолати



Абдулла ҚҮЛДОШЕВ, Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазири, генерал-майор

Бошланиши 1-бетда

Ижро интизоми талаб даражасида таъминланган жамоада иш унуми ва сифати кутилгандек бўлади. Бу хусусда тўхталганда, Президентимизнинг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ва 2021 йил 31 майдаги “jro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият қўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорини алоҳида келтириб ўтиш лозим.

Мазкур ҳужжатларга асосан, вазирлик тизимида қонунчилик ҳужжатлари ҳамда топшириқлар ижросини таъминлаш бўйича ягона ва узлуксиз “технологик занжир” ташкил қилинди ва раҳбарларнинг шахсан эътибор қаратиши лозим бўлган устувор вазифалари белгилаб олинди. Бу, ўз навбатида, вазирлик тизимларида ижро интизоми сифат жиҳатидан янги — “юқори самарадор” даражага кўтаришга имкон яратди.

Хусусан, янги талаблардан келиб чиқиб, вазирлик тизимида қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг амалга оширилиши бўйича назорат ва ҳисобдорликни йўлга қўйиш тартиби, ишларни ташкил қилиш ва ижро интизоми мустаҳкамлашнинг асосий йўналишларини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”, топшириқлар ижроси бўйича назорат ва ҳисобдорликни ташкил этиш чизмаси, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларда белгиланган чора-тадбирларнинг барвақт ҳамда сифатли амалга оширилишини таъминлаш бўйича ташкилий гуруҳ таркиби тасдиқланди.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида ҳар ҳафтанинг душанба кунини тузилмалар раҳбарлари билан — вазир хузурида, чоршанба кунини — вазир ўринбосарлари ҳамда жума кунини — вазирнинг биринчи ўринбосари хузурида ижро интизоми муҳокама қилиб бориш амалиёти йўлга қўйилди.

Тизимли ишлар натижасида 2022 йилнинг ўтган даврида “jro.gov.uz” тизими орқали назоратга олинган 1 минг 179 та топшириқдан 980 таси ўз вақтида бажарилди, 198 та топшириқнинг ижроси назоратга олинди.



Вазирлик тизимида ижро интизоми мустаҳкамлаш мақсадида иш юритиш тўлиқ автоматлаштирилиб, электрон ҳужжат алмашиш, яъни “Гермес” электрон ахборот тизими жорий этилди.

Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар келиб тушганидан бошлаб “технологик занжир” бўйича уларни амалга ошириш назорат режаси ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Шундан сўнг назорат режасининг ҳар бир банди “Гермес” электрон ахборот тизими орқали тегишли тузилмаларга юборилиб, ижроси назорат қилиб борилади.

Шунингдек, ушбу тизим орқали барча ички ҳужжатлар рўйхатдан ўтказилади ва раҳбарлар томонидан республикамизнинг қайси ҳудудда бўлишидан қатъи назар, топшириқнинг мазмунидан келиб чиқиб, қисқа муддатда топшириқнома (резолүция) қўйилган ҳолда масъул ижрочига йўналтирилади. Бунда топшириқ ижросини раҳбарлар томонидан онлайн кузатиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу, ўз навбатида, барча ходимларнинг шахсий масъулиятини ошириш, вазифаларни тўлиқ ва сифатли бажарилишини назорат қилиб бориш имконини бермоқда.

Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишда ижро интизоми

Фуқаро муҳофазаси амалиётида “Фавқулодда вазиятлардан огоҳлантирилган инсон бу — кутқарилган инсон” деган гап бор. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки аҳолини фавқулодда вазиятларга олдиндан тайёрлар эканмиз, ҳалокатлар ва талафотларнинг олдини олишда юқори натижаларга эришишимиз табиий.

Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 сентябрдаги 754-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида вазирлик Академияси хузуридаги Фуқаро муҳофазаси институтида 943 раҳбар ходими, ҳудудий “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” ўқув марказларида 12 минг 284 кўйи тизимдаги раҳбар тайёрларидан ўтказилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида ўтказилган жами 42 та кўмондонлик штаб-ўқув машқларида 273 минг 529 та махсус-тактик ўқув машқларида 54 мингдан ортиқ Фавқулодда вазиятлар давлат тизимидаги кирувчи хизматлар, аҳоли ҳамда ташкилотларнинг ходимлари билан тарғибот ва тушунтириш ишлари олиб борилди.

Вазирлик тизимида ҳар ҳафтанинг чоршанбасида “Фавқулодда вазиятлар ва ёнгинлар профилактикаси кунини” ўтказилади. Мазкур кун доирасида жорий йилнинг ўтган даврида ташкил этилган 25 мингдан ортиқ профилактик тадбирда 7 миллион 274 минг 546 фуқаро қамраб олинди, уларга 122 минг 300 донга эслатма ва буклет тарқатилди. Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этишда аҳолини огоҳлантириш ва бу ҳақда хабар бериш вазифаси ҳал қилувчи ўринни эгаллайди. Вақтида огоҳлантирилган, хабардор қилинган аҳоли орасида талафотлар кам бўлиши табиий.

Шундан келиб чиққан ҳолда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 8 августдаги 601-сон қарорига асосан, ташкил этилаётган Ўзбекистон Республикаси аҳолисига хабар бериш ва маълумот етказишнинг автоматлаштирилган тизимининг республика даражасидаги 15 тўплам қурилмаси харид қилиниб, ҳудудий фавқулодда вазиятлар бошқармаларининг Тезкор бошқарув марказларига ўрнатилди.

Мазкур тизим орқали Фавқулодда вазиятлар давлат тизимидаги кирувчи вазирлик ва идораларга хабар бериш ҳамда маълумот етказиш, шунингдек, “СМС” ва овозли хабарлардан фойдаланган ҳолда вазирлик шахсий таркибига шохлиқчи маълумотлар етказилиши тезкор вазифаларни ўз вақтида бажарилишини таъминлашга имкон



яратди ва бунинг натижасида ижро интизоми бузилишининг олди олинади.

Вазирлик тизимига илғор инновацион технологияларни жорий этиш ҳам бугунги кунда ижро интизоми таъминлашда ўз самарасини бермоқда. Жумладан, Президентимизнинг 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Ёнгин назоратини амалга оширишнинг “E-inspektor” аппарат-дастурий комплекси тўлиқ ишга туширилди.

“E-inspektor” аппарат-дастурий комплекси ёрдамида қуйидаги вазифаларни самарали ижро этишга эришилмоқда:

— ҳудуддаги объектларни электрон назорат кузатуви ишларини юритиш орқали маълумотлар яхлит базасини яратиш;



— инспекторнинг ойлик иш ҳажмини электрон шаклда яратиш ва унинг ижросини автоматлаштирилган тарзда таъминлаш;

— инспекторларнинг муайян даврдаги фаолияти натижадорлигини мониторинг ва таҳлил қилиб бориш.

Ўз навбатида, мазкур комплекс соҳа ходимларининг хизмат фаолиятида инсон омилини камайтириб, ортиқча қўғозбозлик, бюрократия, коррупция билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олиш учун қўлай замин яратди.

Республикамизнинг тоғ ва тоғолди ҳудудларида хавфли гидрометеорологик ва геологик ҳодисалар рўй бериши ҳеч кимга сир эмас. Сел ва сув тошқинлари билан боғлиқ табиий офатлар нафақат инсонлар, балки катта-катта ҳудудларни хавф остида қолдириб, давлат иқтисодиётига улкан талафотлар олиб келади. Бунга “Сардоба” воқеаларининг ўзиёқ яққол гувоҳлик беради.

Бу каби фожиаларга йўл қўймаслик, аҳоли ва ҳудудларни сел ва сув тошқинлари билан боғлиқ ҳодисалардан муҳофаза қилиш, бу борада мақсадли ўрганиш, мониторинг олиб бориш соҳа хизматчиларининг диққат марказида туради.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Сув ҳўжалиги вазирлиги, “Ўзгидромет” маркази, Хавфли геологик жараёнларни кузатиш давлат хизмати, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ ва “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ мутахассисларидан иборат идоралараро тезкор штаб фаолияти йўлга қўйилди. Табиий офатлар ҳавфини камайтириш мақсадида ўтказилган 172 та махсус тактик-ўқув машқи давомида 66 минг 270 метр куб тупроқ, 66 минг 408 метр куб қум-шағал, 6 минг 218 метр куб бетон ишлари бажарилди, 95,9 километрдан ортиқ масофада ички ариқ ва магистрал каналлар тозаланди.

Фавқулодда вазиятлар орасида зилзила энг талафотлиси ҳисобланади. Шунинг учун ушбу ҳодисага доимий равишда олдиндан тайёр туриш улкан ҳалокатларнинг олдини олишда асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилади. Президентимизнинг 2022 йил 30 майдаги “Ўзбекистон Республикасининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан вазирлик қатор тизимли топшириқлар берилган бўлиб, улар ўз вақтида ва сифатли бажариш ижро интизомининг “технологик занжири” асосида самарали ташкил этилмоқда.

Мазкур тадбирлар доирасида 18 турдаги замонавий сейсмик асбоб-ускуналар харид қилиниб, уларни сув омборларига ўрнатиш ишлари ташкил этилди. Ҳозирги кунда Хисорак, Анджиқон, Чорвоқ ва Тўпаланг сув омборларида босқинча-босқин сейсмологик кузатувлар тизимини жорий этиш бўйича ташкилий ишлар олиб борилмоқда.



Сир эмаски, куз-киш мавсумида аҳолининг табиий ва суултирилган газ, электр энергияси, кўмир, ўтин ва бошқа ёқилғи воситаларига эҳтиёжи ортади. Бунда аҳолининг улардан нотўғри фойдаланиши оқибатида ис газидан захарланиш, газ-хаво аралашмасининг чакнаши билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар ва ёнгинлар юзага келади.

Ушбу ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида Фавқулодда вазиятлар вазирлигида “республика штаби”, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар фавқулодда вазиятлар бошқармаларида “ҳудудий штаблар” ташкил этилиб, уларнинг фаолияти тизимли йўлга қўйилган.

Бу борада манфаатдор вазирлик ва идоралар билан қабул қилинган қўшма қарор асосида 415 та ишчи гуруҳи ташкил этилиб, ҳозирда улар томонидан аҳоли хонадонлари, ижтимоий соҳа объектлари ва ишлаб чиқариш корхоналарида ис газидан захарланиш, чакнаш ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида ўрганиш, тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб борилмоқда, шунингдек, аниқланган камчиликларни жойида бартараф этиш бўйича тезкор чоралар қўрилмоқда.

Ишчи гуруҳларнинг фаолияти самарадорлигини ва мақсадли кўрсаткичларга эришишини баҳолаш, мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш ва тезкор бартараф этиш чораларини кўриш мақсадида даврий равишда муҳокамалар уюштирилиб, юқори талабчанлик орқали ижро интизоми таъминлаб келинмоқда.

Мамлакатимизда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган эзгу ва хайрли ишлар юртимиз кўркіга кўрк қўшиб, олис ва чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган аҳолининг турмуш тарзини янада фаровонлаштириб, уларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашини таъминламоқда.

Давлат дастурлари доирасида вазирлик Мухандислик муҳофаза ва қурилиш-тиклаш ишлари

бош бошқармаси Махсус муҳандислик-қурилиш бошқармаси шахсий таркиби томонидан жами 4900 та аҳоли хонадонини таъмирлаш ҳамда улар жойлашган ҳудудларни ободонлаштириш бўйича қатор ишлар амалга оширилди.

Оролбўйи ҳудудда экологик барқарорликни сақлаш, яшил ҳудудни янада кенгайтириш мақсадида жами 117,6 минг гектар майдонда ўрмон-мелиорация ишлари амалга оширилди.

2022 йилнинг ўтган даврида 15 та объектда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида ўзан тозалаш ва қирғоқ мустаҳкамлаш мақсадида 305,6 минг куб метр тупроқ, 12,3 минг куб метр бетон, 303,7 тонна металл, 4,6 минг куб метр тош иш ҳажми бажарилди. Мазкур қўрилган чоралар натижасида Тошкент, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг қатор аҳоли хонадонлари, ижтимоий соҳа объектлари, қишлоқ ҳўжалик экин майдонлари ҳамда автомобиль йўлларини сел ва сув тошқинларидан ҳимоялашга эришилди.

“Хавфсиз дарё” бошқармаси томонидан Тошкентга қарши Ҳукумат комиссияси баёнлари билан тасдиқланган рўйхатларга мувофиқ, дарёлар ўзанларини тозалаш ишларига тадбиркорлик субъектларини “E-auktion” электрон савдо платформаси орқали жалб қилиш ишлари амалга оширилмоқда. Ўтган вақт мобайнида дарёлар ўзанларини тозалаш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳа ҳужжатлар асосида 485 та участка ўрнатилган тартибда аукционда реализация қилиниб, тадбиркорлик субъектлари томонидан 130,6 километр дарё ҳамда сой ўзанлари тозаланди, 13 миллион 838 минг 14 куб метр қум-шағал материаллари қазиб олинди.

Қайд этилган барча муҳандислик муҳофаза тадбирларининг амалий натижадорлигига эришишда ҳарбийлаштирилган тузилмаларга хос бўлган “пўлат интизом”ни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Мурожаатлар — раҳбарларнинг шахсий назоратида

Вазирликка киритилаётган мурожаатлар тизимдаги биринчи ва масъул раҳбарлар томонидан



шахсий назоратга олинган. “1101” қисқа рақамли ишонч телефони, “www.fvv.uz” расмий веб-сайти, шунингдек, “Facebook” ва “Telegram” ижтимоий тармоқлари орқали жисмоний ва юридик шахсларга ўз мурожаатларини йўллаш имконияти яратилган. 2022 йилнинг 9 ойи давомида жисмоний ва юридик шахслардан 5 минг 729 та мурожаат келиб тушган бўлиб, улар белгиланган тартибда қўриб қилинди.

Шу билан бирга, Президентимизнинг 2019 йил 18 мартдаги қарорига асосан, вазирлик таркибида Эшитиш ва нутқиде муаммоси бўлган шахсларнинг ижтимоий қўллаб-қувватлаш диспетчерлик хизмати ташкил этилиб, ушбу тоифадаги шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Бу тизимнинг аҳамиятли томони шундаки, диспетчерлик хизмати “101”, “102”, “103”, “104” ва “1050” қисқа рақамли “Колл-марказ”ларга келиб тушган мурожаатларга туну кун (24/7 форматда) тезкор жавоб бериш ишларини мувофиқлаштириб боради. Хизмат томонидан бугунги кунга қадар эшитиш ва нутқиде муаммоси бўлган 11 мингдан ортиқ шахснинг мурожаати қабул қилинган бўлиб, уларни ўрнатилган тартибда ҳал этиш чоралари қўрилган.

Хулоса ўрнида айтиш кераки, юқорида келтирилган ижобий натижаларга, шу жумладан, юртимиз аҳолиси ва ҳудудларининг ишончли муҳофазасига, аввало, вазирлик тизимида ижро интизоми янги талаблар асосида тўғри йўлга қўйилгани боис эришилмоқда, десак муболаға бўлмайди.

Зиммамизга юқланган шарафли вазифаларни адо этар эканмиз, самарали ижро, юқори талабчанлик, пўлат интизом аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг ишончли кафолати эканини ҳар лаҳза ёдда тутишимиз ва ушбу таомилни хизмат фаолиятимизнинг бош мезони деб билишимиз зарур.



## ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

# МУЛЬТИИНДИКАТОР КЛАСТЕР КУЗАТУВЛАРИ

## долзарб ва шаффоф маълумотларни тақдим этади



**Баҳодир БЕГАЛОВ,**  
Давлат статистика қўмитаси  
раиси, иқтисодийёт фанлари  
доктори, профессор

### Минтақада биринчи бўлиб қўлланилган модуллар

Хозирги кунда Ўзбекистонда уй ҳўжаликлари ўртасида ўтказилиб, асосан, аҳоли тўғрисида ижтимоий-иқтисодий маълумот берадиган сўровномалар жуда оз. Қолаверса, мамлакатимиз мультиндикатор кластер кузатуви 2 та раундда, яъни 2000 ва 2006 йилларда бўлиб ўтган жараёнларда иштирок этган. Яқин вақтга 2006 йилда бўлиб ўтган кузатувдаги маълумотлардан фойдаланиб келинади. Бироқ бу орада оз эмас, кўп эмас ўн беш йил вақт ўтган. Айниқса, кейинги беш йилда жамият тубдан ўзгарди, юртимиз ҳар томонлама янгиланди, яшарди, ривожланди. Халқаро стандартларга мувофиқ, маълумотларни янгилаш ва мамлакатда ижтимоий-иқтисодий қарорлар қабул қилиш учун ишончли ва кенг қамровли маълумотларни тақдим этишни даврнинг ўзи тақозо этаётган эди.

Навбатдаги мультиндикатор кластер кузатуви ўтказилишнинг ҳуқуқий вазифалари Президентимизнинг 2019 йил 9 апрелдаги “Давлат бошқаруви оқчилиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридан белгиланган берилди. Унга биноан, республикада болалар ва аёллар турмуш фаровонлигини халқаро даражада баҳолаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 июлдаги “2020-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида мультиндикатор кластер кузатувларини ўтказиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Мазкур ҳужжатга кўра, МСНСИ ўтказиш учун Миллий соҳаларо мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилди. Давлат статистика қўмитаси тадбирга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ вазифаларни амалга ошириш учун масъул ваколатли орган этиб белгиланди. Умуман олганда, Ўзбекистонда ўтказилган МСНС кузатувида қуйидаги мақсадларга эришиш кўзда тутилган:

биринчидан, болалар, ўсмирлар, аёллар ва уй ҳўжаликлари шарт-шароитларини баҳолаш

мультиндикатор кластер кузатуви (MICS) БМТнинг болалар жамғармаси — ЮНИСЕФ томонидан ишлаб чиқилган уй ҳўжаликларининг танланма кузатуви халқаро дастури бўлиб, асосан, болалар ва аёллар ҳолатини баҳолаш мақсадида кўп кўрсаткичли маълумотларни жамлайди. У оналар ва болалар бўйича дунё миқёсидаги энг йирик статистик маълумотлар манбасидир. Бу кузатувлар илк марта 1990 йилда 28 та давлатда, шу пайтгача эса 118 та мамлакатда 349 марта ўтказилган. Бошланишида 30 га яқин кўрсаткич йиғилган бўлса, ўтган йиллар давомида саволномалар такомиллаштириб борилиши натижасида улар сони 200 тага яқинлашди.

бўйича сифатли, долзарб, шаффоф ва ишончли маълумотларни олиш; иккинчидан, келгусидаги ҳаракатлар асоси сифатида миллий мақсадларга эришишни кузатиб бориш учун муҳим маълумотларни тақдим этиш;

учинчидан, миллий ва глобал барқарор ривожланиш мақсадлари кўрсаткичи бўйича етишмаётган статистик маълумотларни олиш; тўртинчидан, турли соҳаларда эришилган натижаларни баҳолаш учун халқаро миқёсда солиштириш имконини берувчи маълумотларни шакллантириш.

Қўмитамиз ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда кузатилиши лозим бўлган уй ҳўжаликлари сони ва рўйхатини шакллантириш, глобал МСНС дастурининг умумий тавсияларига мувофиқ, кузатув режаси, бюджети ва саволномаларини ишлаб чиқиш ва кенгашга тасдиқлаш учун киритиш ишларини амалга оширди.

Маҳаллий ва хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда саволномаларни тўлдириб бўйича интервьюерлар учун йўриқномалар ишлаб чиқилди, ходимларни тайёрлаш бўйича ўқув тренинглар ташкил этилди. Ана шундай амалий ишлар натижасида Ўзбекистон минтақада биринчи бўлиб “Болаларнинг эрта ривожланиши” ва “Репродуктив саломатлик бўйича пухта ўйлаб чиқарилган қарор” каби янги модулларни амалиётга татбиқ этди.

Тренингларда амалий кўникмага эга бўлган жамоалар билан Тошкент шаҳри ва вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудда синнов тарихида кузатувлар ташкил этилди. Улар асосида МСНС саволномаларига тегишли ўзгаришлар киритилди. Кузатувларни планшета ёрдамида ўтказиш учун алоҳида дастур ишлаб чиқилди. Улар ёрдамида МСНС маълумотларини бошқариш платформасини ўз ичига олган махсус илова такомиллаштирилди.

Давлат статистика қўмитасининг ҳудудий бўлиmlлари ходимлари орасидан 14 супервайзер, 18 картограф, 18 листер ҳамда уй ҳўжаликларида сўровнома ўтказиш учун 70 интервьюер ва бошқа мутахассислардан иборат номзодлар саралаб олинди. МСНСнинг глобал методологияси асосида юртимизнинг барча ҳудудларидан кузатув ўтказиш учун 556 та маҳалла тасодифий танланиб, уларнинг хариталари асосида ҳар бир ҳудуд 100 га яқин хонадонни қамраб олувчи сегментларга бўлинди. Улардан 20 тадан уй ҳўжалиги тасодифий сараланиб, бу бўйича ҳам алоҳида хариталар тайёрланди.

МСНС ўтказишда асосан 4 та саволнома ва 2 та шаклдан фойдаланилди. Масалан, кузатув ўтказилган уй ҳўжаликларига тавсиф бериш, 15-49 ёшдаги аёллар саломатлиги ҳолатини, беш ёшгача бўлган болаларнинг соғлом ва ҳар томонлама ривожланишини аниқлаш, 5-17 ёшли болаларнинг таълим даражаси, психоижтимоий ривожланиши бўйича саволномалар МСНС хорижий экспертлари билан

муҳокама қилинди. Улар томонидан берилган қўшимча ва ўзгаришлар Ўзбекистоннинг миллий хусусиятларини инобатга олган ҳолда ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида тайёрланди.

### Дастлабки натижалар нимани кўрсатяпти?

Миллий соҳаларо мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил 29 мартдаги қарори билан тасдиқланган саволномалар асосида МСНС глобал дастури тавсияларига мувофиқ, 2021 йил апрель ойидан мамлакатимизнинг 14 та ҳудудда 150 дан ортиқ масъул иштирокчида мультиндикатор кластер кузатувларини ўтказишга киришилди. Бу жараён 2021 йилнинг апрели-июни ойларда танлаб олинган 556 та кластер (маҳаллада)да жойлашган 10 932 та уй ҳўжалигида амалга оширилди.

Давлат статистика қўмитасининг масъул координаторлари ЮНИСЕФ вакиллари билан биргаликда юртимизнинг барча ҳудудлари бўйича кузатув маълумотлари базаси таҳлилни амалга оширди ва 200 дан ортиқ кўрсаткич ўрганилди. Унинг натижаларига кўра, ўтказилган кузатув сифатли ва шаклланган маълумотлар умумий ҳолатда мақбул деб ҳисобланди.

Шу билан бирга, кузатувлар даври Covid-19 пандемияси авж олган пайтга тўғри келгани боис, ЮНИСЕФ экспертлари уни 2 та босқичга бўлган ҳолда ўтказишни таклиф қилди. Шу сабабли, танлаб олинган кластер (маҳаллада)да жойлашган 4448 та уй ҳўжалигини қўшимча равишда ўрганишга қарор қилинди. Иккинчи босқич кузатувлари 2021 йилнинг 12 ноябрдан 2022 йилнинг 25 январига қадар янгидан саралаб олинган интервьюерлар ёрдамида ўтказилди.

**Кузатувда республика бўйича 15 059 та уй ҳўжалиги қамраб олинди ва 160 тадан зиёд, жумладан, Барқарор ривожланиш мақсадларига доир муҳим социал кўрсаткич шакллантирилди. Кузатув вақтидаги 3-4 ёшдаги болаларнинг 46 фоизи мактабгача таълим дастурларида қатнашган. Ушбу кўрсаткич 2006 йилги МСНС натижаларига нисбатан (19,7 фоиз) 2,3 баробардан кўпроққа ўсган.**

2-4 ёшдаги болаларнинг 96 фоизи соғлиги, таълим олиши ва психологик ижтимоий фаровонлиги нуқтаи назардан эркин ривожланмоқда. Уюшган таълимда болаларнинг, жумладан, бошланғич мактабга расмий бориш ёшидан бир йил олдинги қатнашиш даражаси 71,7, бошланғич таълимда — 98,9, ўрта таълимнинг кўйи



66

**ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚўМИТАСИНING МАСЪУЛ КООРДИНАТОРЛАРИ ЮНИСЕФ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН БИРГАЛИКДА ЮРТИМИЗNING БАРЧА ҲУДУДЛАРИ БўЙИЧА КУЗАТУВ МАЪЛУМОТЛАРИ БАЗАСИ ТАҲЛИЛИНИ АМАЛГА ОШИРДИ ВА 200 ДАН ОРТИҚ КўРСАТКИЧ ўРГАНИЛДИ. УNING НАТИЖАЛАРИГА КўРА, ўТКАЗИЛГАН КУЗАТУВ СИФАТЛИ ВА ШАКЛЛАНГАН МАЪЛУМОТЛАР УМУМИЙ ҲОЛАТДА МАҚБУЛ ДЕБ ҲИСОБЛАНДИ.**

босқичида — 97,4 унинг юқори босқичида 93,3 фоизни ташкил этади. Ота-оналарнинг мактаб ҳаётидаги иштироки юқорилиги қайд этилди. Уларнинг 98 фоизи 7-14 ёшдаги болаларнинг ўзлаштириш табеллари билан шахсан танишган.

Сўнги 15 йилда 5 ёшгача болалар ўлими ҳар 1000 та тирик туғилганга нисбатан 2006 йилги МСНС натижаларига 57 тадан 25 тага пасайган. Туғуруқларнинг 99 фоизи давлат тиббиёт муассасаларида амалга оширилмоқда.

5 ёшгача бўлган болалар 6,5 фоизининг бўйи ўсишдан ортада қолмоқда. Ушбу кўрсаткич 2006 йилдаги МСНС натижалари (14,6 фоиз)га нисбатан икки баробар кам бўлиб, минтақадаги энг паст кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Озинлик кўрсаткичи 5 ёшгача бўлган болаларнинг 2 фоизида қайд этилиб, биологик меъёр доирасида эканини кўрсатмоқда. Ушбу кўрсаткич 2006 йилги МСНС натижалари (5,1 фоиз) билан таққослаганда 2,5 баробар камийиш кузатишмоқда.

5 ёшгача бўлган болалар ўртасида ортиқча вазнлилар 5 фоизни (ўғил болаларда 5 фоиз ва қиз болаларда 4 фоиз) ташкил этади.

20-24 ёшдаги аёлларнинг 3 фоизи 18 ёшга тулганга қадар биринчи марта расмий ёки норасмий никоҳга кирган. Ушбу кўрсаткич 2006 йилдаги МСНС натижалари (12,5 фоиз)га нисбатан 4,2 баробар камийиб, минтақадаги энг паст кўрсаткич бўлди.

### Якуний тақдимот ва истиқбол дастурлари

Ўтган ҳафтада Тошкент шаҳридаги “Hilton” меҳмонхонасида Давлат статистика қўмитаси ҳамда ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида мультиндикатор кластер кузатувларининг дастлабки натижалари тақдимоти ўтказилди. Унда тайёрланган таҳлилий-статистик маълумотнома ва натижалар бўйича хулосалар кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этилди.

Давр шиддат билан ўзгариб, аввалги халқаро мезонларни ҳам ўзгариштиришни тақозо этапти.

Хусусан, илгари сўровномаларда болаларнинг тўйиб овқатланмаслиги ёки бўйи пастлиги билан боғлиқ муаммолар ҳақида гап кетган бўлса, энди ортиқча вазн, овқатланишни диверсификация қилиш, ўсмирларнинг руҳий саломатлиги ўрганилди.

Мамлакатимизда ўтказилган МСНС кузатув натижалари эълон қилиниши халқаро маълумотлар базаларида Ўзбекистонга оид узоқ йиллардан буён янгилаб қилинган индикаторлар янгилини ҳамда халқаро рейтинг ва индексларда мамлакатимиз ўрни яқшилланиши ва дунё ҳамжамиятида нуфузи янада ошишига хизмат қилади. Чунки мазкур маълумотлар уй ҳўжалиги бўйича Барқарор ривожланиш мақсадлари кўрсаткичининг 40 фоизини ташкил этади. Унга асосан, БМТнинг барқарор ривожланиш соҳасидаги мақсад ва вазифаларга тегишли бўлган 20 дан ортиқ индикатор кўрсаткичлари шакллантирилди.

Шу билан бирга, жамланган маълумотлар мамлакатимизда муҳим стратегик ижтимоий-иқтисодий қарорлар қабул қилишда мустаҳкам асос бўлади. Бундан ташқари, реал маълумотлар халқаро таққослаш ва таҳлил қилишда ўта муҳим аҳамиятга эга. Масалан, МСНС маълумотлари ижтимоий ривожланиш бўйича халқаро рейтингларда мунтазам ишлаб келинади ва жамиятнинг асосий ривожланиш кўрсаткичлари бўйича жорий ҳолатини намоён этади. Қолаверса, МСНС Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишдаги ўзгаришлар, қатор миллий устуворликлар ва болалар ҳуқуқларини амалга оширишдаги янгилиниларни кузатиб бориш имконини беради.

Кузатув жараёнида тўпланган маълумотлар ўзига тегишли соҳа ва йўналишларни ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш учун масъул вазирлик ва идораларга тақдим этилади.

Мазкур маълумотлар жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида Давлат статистика қўмитаси (www.stat.uz) ҳамда ЮНИСЕФ (www.mics.unicef.org) веб-сайтларида жойлаштирилди.

### ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

## ЎЗЎВОНЛИК

## лимончи бобо



“Тошхўвуз” маҳалла фуқаролар йиғинида умргузаронлик қилаётган Аҳмадjon Исмоиловни нафакат Ўзёвон туманида, балки Фарғона вилоятида ҳам кўпчилик танийди, миришкор томорқачи, кекса боғбон сифатида ҳурмат қилади. Етмиш етти ёшдан ошган бўлса-да, ҳамон ҳаракатда, изланиш, интилишда. Янги гоё ва ташаббусларнинг муаллифи сифатида кўпга бош бўлиб келмоқда.

Асл касби тарих-география фани ўқувчиси бўлган отахон томорқачи лимон етиштириш, кўчатчилик ва қайта ишлаш борасида ўзига хос тажриба тўплаган. Ўзёвоннинг чўл ерларида лимон етиштиришни йўлга қўйганига ҳам қирқ йилдан ошди. Унинг ортидан эрашганлар ҳам лимончиликни ривожлантириш орқали

мўмай даромад олиш имкониятига эга бўлди. Эл орасида “Лимончи бобо” деб ном олган кекса боғбон бу борада уларга доимо ишончли маслаҳатчи. Ўзёвон иқлими, ер шароитига мос бўлган кўчат навларини танлаш, экиш, парваришлаш, сақлаш борасида ўз иш тажрибалари билан ўртоқлашади, маслаҳат, йўл-йўриқлар кўрсатади.

— Ушунда ўттиз беш ёшларда эдим, — дея хотирлайди Аҳмадjon Исмоилов. — Врачлар юрак неврози ташхисини қўйди ва менга ортиқча ҳаяжонланмаслик, хотиржам ҳаёт кечиришни маслаҳат берди. Ана шундай кунларнинг биринида телевидение орқали лимончи боғбон — Зайниддин Фахриддинов иш тажрибаси ҳақида кўрсатув берилди. Ушбу кўрсатув туфайли менда лимон етиштириш гоёси туғилди. Илк бор бир сотих томорқача 15 тул кўчат ўтказдим. Ҳар кун лимонзор оралаб экинлар парвариши билан андармон бўлдим. Ўсимликни етиштириш билан боғлиқ иш тажрибаларини

ўрганишга, назарий билимларини амалиёт билан мустаҳкамлашга ҳаракат қилдим. Уша кезларда “Ўзёвон” давлат ҳўжалиги ҳудудидан илк бор 2 гектар ерда лимонзор боғ яратган хонабодлик Юсуфjon Жўраев билан ҳамкорлик қилиб, тажриба орттирдим.

Фойдали ишлар билан андармон бўлган Аҳмадjon ака касалликни унутиб, соғлом ҳаётга қайтди. Утган асрнинг саксонинчи йилларида экинлар кўчатлар бу йил қирқ икки ёшга кирди. Томорқачи иссиқхонада яшил барглор орасидан мўралаб турган сархил мевалар

ҳосил мўллигидан дарак бериб турибди. Лимончи бобо кутилаётган ҳосил чўғи ҳақидаги саволимизга:

— Ҳар нарсанинг сир-синоати бор. Аммо меҳнат қилган киши кам бўлмайди, — дея ҳазил аралаш жавоб берди-да, боғ оралаб кетди. Лимонзор қайта янаша кетгандек бўлди, хушбўй ифोर таралди.

Кўксига туша оппоқ софол, чўл одамларига хос келбат уни янада ўқтам қилиб кўрсатади. Аслида, етмиш етти ёш кўк чойдан хўплаб, оёқни узатиб, маза қилиб дам оладиган палла. Лекин бу Аҳмадjon бобо учун бегона. Шу боис,

ҳар кун лимонзор оралаб сайр қилишни, фарзандидек азиз бўлиб қолган мевали боғлари ифориға тўйишни канда қилмайди.

— Булар менинг бойлигим, саломатлигим. Топган даромадим эвазига беш фарзандни ўқитиб, уйли-жоили қилдим. Ҳозирда икки ўғлим хайрли ишминини давом эттириб, 25 сотих ерда лимон парваришлайпти, — дейди у мамнуният билан.

Лимончи боғбон сархил маҳсулот етиштириш билан бирга, қайта ишлаш тармоғини йўлга қўйди. Марғилон — Наманган катта автомобиль йўлининг Сойбўйи маҳалласи ҳудудидан ташкил этилган шарбат сотиш шоҳобчаси куну тун фаолият кўрсатади. Бу ерда табиий неъматларга бой лимон, малина, гилос шарбатларини тайёрлаш йўлга қўйилган. Йўловчилар бу манзилда тўхтаб, бир дам ҳордиқ чиқариб, лимончи бобо сарбатидан таътиб кўришни хуш кўради.

Отахон бир дақиқа ҳам тиниб-тинчимайди. У “Тошхўвуз ва тошхўвузликлар”, “Ўзёвон зиёратгоҳлари”, “Уста Муҳаммадjon домла”, “Қорасоқоллик азизлар” номли китоблар муаллифи сифатида ҳам элга танилди. “Нуроний” жамоатчилик кенгашининг фаол аъзоси, тумандаги 34-умумтаълим мактабидан ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи сифатида ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда.

— Аҳмадjon ота маҳалламиз фаоли, — дейди “Тошхўвуз” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Исмоналихон Мусаев. — Оилаларни мустаҳкамлаш, ёшлар таълим-тарбияси, ободонлаштириш

ишларида кўпга бош. Айни кунда отахон қилгоҳимиз ҳаёт тарзи, ўтмиши ва буғун ҳақида хикоя қилувчи музей ташкил этиш устида иш олиб борапти.

Оддий уй шароитида бошланган бобонинг лимончилик ташаббуси туман бўйлаб оммалашди, янгидан-янги лимончи боғлар яратилди. Аҳмадjon отанинг ибратли ишидан андаза олган аҳоли томорқаларининг 90 гектаридан лимон етиштирилмоқда. “Сойбўйи”, “Тошхўвуз”, “Чўлгулистон”, “Қорасоқол”, “Бўтқачи”, “Қоратеп”, “Мингчинор” маҳалла фуқаролар йиғинларида “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида ишлар йўлга қўйилган.

Аҳмадjon отанинг таъкидлашича, бекорчилик одами бир жойда депсини қолишга, ҳаётга, эртанги кунга бўлган ишончини сўндиришга, бефарқликка бошлайди.

— Юртимиздагидек, кексаларини эъзозлаган, иззат-ҳурматини жойига қўйган мамлакат ҳеч қаерда йўқ, — дейди отахон. — Бундай эътибор ва гамхўрликка муносиб бўлиб яшаш ҳар кимнинг ўзига боғлиқ. Шукр, меҳнат қилиб кам бўлмадик. Энди лимон ва бошқа цитрус меваларни қайта ишлайдиган корхона қуришни режалаштирялмиш.

“Қариси бор уйнинг париси бор”, бор деганларини рост экан. Зеро, кексалари қадрланган юртдан аҳиллик, файзу баракка, фаровонлик аримаслигига Аҳмадjon бобо ҳаёти мисолида яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

**Расулjon КАМОЛОВ,**  
“Янги Ўзбекистон” мухбири



ТАРАҚИЁТ МАНЗИЛЛАРИ

ҚАШҚАДАРЁ КЕНГ МИҚЁСЛИ ЎЗГАРИШЛАР ОВУШИДА

Муротжон АЗИМОВ, Қашқадарё вилояти ҳоқими

Бошланиши 1-бетда

Маҳаллаларда ҳоқим ёрдамчилари фаолият бошлаганидан сўнг кўп...



Саноат янада ривожланади

Вилоят саноатини ривожлантириш ҳам муҳим вазифаларимиздан бири...

Вилоят истеъмол бозориди парранда ва балиқ гўшти билан таъминлашни...

Электротехника ҳамда қурилиш саноатини ривожлантириш ҳам олдимизда турган муҳим вазифалар сирасига кирди...

Қарши шаҳрида йирик бизнес маркази қурилади. 120 минг квадрат метр майдонли савдо комплекси...

Саёҳат учун жозибали тақлиф

Йиғилишда давлатимиз раҳбари вилоятда туризм соҳасини ривожлантириш борасида ҳам қатор вазифалар ва топшириқлар берди...

Қашқадарё иккинчи туристик ҳалқада жойлашган бўлиб, Самарқанд ва Бухорога таширф буюрган хорижий сайёҳларни жалб қилишнинг ўзиданоқ ушбу режани бемалол бажаришимиз мумкин.

Транспорт билан таъминланганлик даражасини ошириш мақсадида Самарқанд ва Бухоро йўналишида автобус ва тезуорар поезд қатновини йўлга қўйиш масаласи кўтарилди...

Вилоятда сайёҳларнинг қолпш муддати қисқа. Шу сабабли, "Саҳродан музликкача" туризм магистралли доирасида 2 та туристик кластер, 22 та туризм маҳалласи ва 7 та туризм тематик қилгоҳи ташкил қилиб...

Мазкур масалада Италия, Франция, Австрия ва Хитой компаниялари билан музокаралар ўтказилди. Яқин кунларда Хитой компанияси, кейинги ой бошида эса Франциянинг "Пома" компанияси вакиллари билан инвестиция киритиш масаласини муҳокама қилиб оламиз.

Натижада чет эллик сайёҳлар сонини уч баробар, маҳаллий сайёҳлар сонини икки баробар ошириш, экспорт салоҳиятимизни 10 миллион доллардан 100 миллион долларгача етказиш, 14 мингдан ортиқ иш ўрни яратиш имконияти пайдо бўлади.



канал, 4 та насос станцияси, 10 километрдан ортиқ коллектор кластерларга ажратиб берилди. Шунингдек, 30 та тик қудуқ қазилиб, 9 минг 300 хонадондаги 744 гектар томорқа сув билан таъминланади...

Жорий йилнинг ўтган даврида 1 минг 500 километр қувур тортилиши натижасида 55 маҳаллага ичимлик сув кириб борди. Келгусида яна 60 маҳалланинг сувга бўлган эҳтиёжи қондирилди.

Видеоселектор йиғилишида Президентимиз Косон ва Муборак туманларида ичимлик сув таъминотини яхшилаш борасидаги лойиҳаларни тезлаштириш, Қарши шаҳридаги каналгазидаги тизимини реконструкция қилиш бўйича ҳам тегишли вазирлик ва идораларга топшириқ берди.

Уй-жой билан таъминлаш даражаси ошади

Кейинги йилларда вилоятда уй-жой билан таъминлаш даражасини ошириш ишлари жадал олиб борилаётганда...

Финляндия модели жорий этилади

Йиғилишда таълим сифатига жиддий ўзгаришлар киритиш ҳақида сўз борди.

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФДАН СЎНГ

СОҒЛОМ ХАЛҚ БУГУНИДАН РОЗИ БЎЛИБ, ЭРТАСИГА ИШОНЧ БИЛАН ЯШАЙДИ

Ўртимизда халқаро андазалар даражасида тиббий хизмат кўрсатадиган тизимни барпо этиш, халқимизни соғломлаштириш борасидаги вазифалар "Инсон кадри учун" тамойилининг асосини ташкил этиб келмоқда...

Шу йилнинг 18 март куни Президентимиз соғлиқни сақлаш ходимлари билан учрашув чоғида 7 та муҳим йўналишни кўрсатиб ўтган ва ҳар бир йўналиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган эди.

Бу борадаги муаммоларга ечим сифатида мамлакатимизда аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг сифати, самарадорлиги ва оммабоплигини оширишга доир тизимли ишлар йўлга қўйилди.

Мутахассисларнинг педиатрия, терапия, акушерлик ва патронаж бўйича тиббиёт бригадалари ёрдамида тиббий хариталар орқали манзилли иш олиб бориши йўлга қўйилди.

Кўни кеча давлатимиз раҳбари пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги 22-оилавий поликлиникага ташриф буюриб, қилинган ишлар, яратилган шароитлар билан яқиндан танишди.

Уч қаватли ушбу замонавий муассаса 56 минг нафар аҳолига хизмат кўрсатади. Поликлиникада болалар ҳамда физиотерапия бўлимлари, кундузги стационар фаолияти йўлга қўйилган.

Поликлиникамизда 23 та тиббий бригада фаолияти йўлга қўйилган, — дейди Учтепа туманидаги 22-оилавий поликлиника бош шифокори Нигора Шамсиева.

Тиббиёт соҳасидаги энг устувор вазифалардан бири малакали тиббий хизматнинг ҳар бир хонадонга кириб боришини таъминлашдир.

Анча йилдан бери юрак-қон томир касаллиги безовта қилади. Оғир операция бошдан ўтказганман, — дейди Шафтолизов маҳалласида истиқомат қилувчи Маҳмуд Қодирова.

Поликлиникада 18 ёшдан 40 ёшгача бўлган аҳолининг саломатлик профили (овқатланиш характери, тамакига қарамлик, тана вазни индекси, артериал босим, қондаги қанд ва холестерин даражаси ва бошқалар)ни баҳолаш, 40 ёшдан ошган аҳолини оилавий поликлиника ва тиббиёт бригадалари

орқали манзилли скрининг текширувлари билан ўтказиш йўлга қўйилган. Мамлакатимизда тиббиётнинг бирламчи бўлиниги кучли эътибор қаратилаётгани бежиз эмас.

Дарҳақиқат, ҳар қандай касалликни даволагандан кўра, олдини олган афзал. Бирламчи тизимни жонлантиришдан қўзланган мақсад ҳам шу.

Юқори технология тиббий хизматлар билан ишлайдиган, мураккаб жарроҳлик амалиётини бажарадиган ходимларни тайёрлаш вазифаси



соғлом миллат баркамол авлодни тарбиялашга қодир бўлади. Бирламчи бўлини маҳаллагача тушириш бўйича бошланган ишлар самарасига бугун юрдошларимиз мана шу поликлиника мисолида гувоҳ бўлиб турибди.

Соғлиқни сақлаш соҳасида янгилашлар тизимдаги барча йўналишларни камраб олмақда. Жумладан, тиббиётнинг уч босқичли миллий модели — бирламчи тиббий санитария, шош-инчак тез тиббий ёрдам ва ихтисослаштирилган тиббий хизмат тизимини янада такомиллаштириш борасидаги чора-тадбирлар замирида ҳам халқимиз розилигига эришиш мақсади мумкин.

Давлатимиз раҳбари Республика шош-инчак тиббий ёрдам илмий марказида барпо этилган янги хирургия мажмуаси имкониятлари билан ҳам танишди. Беш қаватли, 75 ўринга мўлжалланган мажмуада шошлинч тиббий ёрдамдаги энг ноёб соҳалар — кардиохирургия, невроаскулялар хирургия ҳамда трансплантология камраб олинган.

Бинода 25 ўринли кардиохирургия, 25 ўринли трансплантология, 25 ўринли нейро-қон томир хирургияси бўлимлари, 6 та замонавий амалиёт хонаси ва 12 ўринли реанимация бўлими фаолият юрлатади.

Хирургия мажмуасининг тўлиқ ишга туширилиши натижасида кардиохирургия бўлимида йилга 700 дан ортиқ мураккаб операция ўтказиш имконияти

пайдо бўлади. Илгари бундай амалиётлар 300 тадан ошмас эди. Трансплантология бўлимида бир йилда 100 дан зиёд амалиёт ўтказилган бўлса, келгусида буйрак ва жигар бўлагини кўчириб ўтказиш бўйича йилга 300 дан зиёд амалиёт бажарилиши учун шaroит яратилган.

Бу нима дегани? Мисол учун, илгари бош мия хасталигига чалинганларда жарроҳлик амалиёти кесув йўли орқали ўтказилган бўлса, янги жиҳозлар томир йўлидан бориб шу операцияларни бажаради.

— Аҳоли сонининг ортиб бораётгани, мурожаатлар кўплиги янги хирургия мажмуасини барпо этиш заруратини юзага келтирди, — дейди Республика шошлинч тиббий ёрдам илмий маркази бош директори Даврон Тўлаганов.

Мажмуа нафақат даволаш ишларига мўлжалланган, балки бу ерда илмий марказ ҳам ташкил этилиши кўзда тутилмоқда.

Юқори технология тиббий хизматлар билан ишлайдиган, мураккаб жарроҳлик амалиётини бажарадиган ходимларни тайёрлаш вазифаси

Давлатимиз раҳбари шу ерда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ишлар ва келгусидаги устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳа ходимларини таъриба ва малакасини ҳамда моддий манфаатдорлигини оширишга доир муҳим топшириқлар берди.

Бу вазифалар қўлами ва миқёсига қўра, тизимдаги энг оғиқли нуқталардаги муаммолар ечимига қаратилгани билан эътиборга молик.

Даврлар ошиб келаётган яна бир ҳақиқат бор. У шундан иборатки, соғлом халқнинг руҳи банданд, кайфияти жойида бўлади. Бугунги миннатдорлик, эртанги кунга ишонч билан қарайди. Энг муҳими, аниқ мақсад-мудда, оруз-умид билан яшайди. Еруғ ниятлари соғлом халқни доим мамлакат тарақиёти учун камрабаста бўлишга, баркамол ўғил-қизларни камолга етказишга ундайди.

Бинода 25 ўринли кардиохирургия, 25 ўринли трансплантология, 25 ўринли нейро-қон томир хирургияси бўлимлари, 6 та замонавий амалиёт хонаси ва 12 ўринли реанимация бўлими фаолият юрлатади.

Хирургия мажмуасининг тўлиқ ишга туширилиши натижасида кардиохирургия бўлимида йилга 700 дан ортиқ мураккаб операция ўтказиш имконияти

Рисолат МАДИЕВА, "Янги Ўзбекистон" мухбири



ТИЛ — МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

# Таржима санъати таржима саноатига айланиб кетмаслиги керак

Тилнинг миллат юзи сифатидаги ўрни, латофати, жозибаси, энг муҳими, бисотида бор бойлиги таржима санъатида яққол кўринади экан. Ўзбек таржима мактабининг ўзига хос тажрибаси, аъёнларини ёш авлодга, соҳанинг умидли вакиллариغا етказиш катта авлод вакилларига юксак масъулият юклайди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таржимашунос олим Зухриддин ИСОМИДДИНОВ билан суҳбатимиз айтини фикрлар хусусида бўлди.



### — Ўзбек таржимачилик мактаби: кеча ва бугун...

— Ўзбек таржимачилигининг ўн асрга яқин тарихи бор. Рабзузийнинг "Қиссаси Рабзузий" асари, Қўтб Хоразмийнинг Низомийдан ўнгирган "Хисрав ва Ширин" каби достонлари бунга далил. Умуман, биздаги барча улғу ижодкорлар айти пайтада етук таржимон ҳам бўлган. Навоий, Бобур, Огахий, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фафур Гулом, Абдулла Қаҳҳор, Мирзакалон Исмоилий, Миртемир, Қодир Мирмухамедов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов...

Яқинда туркий халқлар адабиётининг юз жылдигини тайёрлаш жараёнида кўп қардошларимизнинг ўзбек тилига ўнгирилган талай намуналари билан танишишга тўғри келди. Қўёсларанда кўп нарса ойдинлашди-да. Шунда кўрдик, бизнинг адабиёт — бир бошқа. Сало-батли, шуқули сўз санъатимиз бор экан. Бунда унга қуч берган қадимий ва бой таржима адабиётининг ўрни алоҳида.

Таржима ҳам, бошқа нарса ҳам унга эҳтиёж туғилганда дунёга келади. Ушш учун эҳтиёж пайдо бўлиши шарт. Миллий сўз санъати ўсаётганда таржимачи зорикшиш пайдо бўлади, сўнг ўнлаб, юзлаб таржималар туғилади.

Ҳозир ҳам таржима оз эмас. Илгари асосан, рус тилидан ўнгириб келган бўлса, энди бевосита бошқа хорижий тиллардан ҳам таржималар қилинапти. Аммо бу жараёни бошқариш, тўғри йўлга солиш ҳам керакка ўхшайди. Чунки ўз холига ташлаб қўйилса, дунё сўз санъатининг энг ажойиб ва ўзига хос асарлари бир четда қолиб, адабиётимизни эмас, ноширларни бойитишга хизмат қиладиган асарлар таржимаси қўйлаиб кетади. Мен Амина Шениқўли, Элчин Сафарли сингари адибларнинг китоблари ҳаммаёқни босиб кетаётганини айтганман-да.

— "Чоликуши" асаридagi Феридени Мирзакалон Исмоилийнинг Қумуши, дегим келади. Мирзакалон Исмоилий таржима мактабининг ўзига хос томонларини нималарда кўришимиз мумкин?

— Аввало, Фериде эмас, Фарида. Мирзакалон домла бу қизнинг исмини шундай деб берган. Аммо кейинчалик "Чоликуши" кинофильми дубляж қилинганда уни туркчалаштириб, Фериде деб аташган. Демак, дубляж мутаржимини ҳам,

хоҳламаётганлар кўп. Шунча нарсаларни таржима қилмай, ўрчисасини ўрчиса, инглизчасини инглизча хатм қила берсак, она тилимиз ўз тўйида бир четда қолиб кетган камбағал каби шумшайиб қолаверади. Айти пайтада фидойилик етишмай турибди бизда!

— Жаҳон адабиёти намуналарини ўзбек тилига ва ўзбек адабиёти намуналарини хорижий тилларга таржима қилиш жараёнларида эътибор берилиши лозим бўлган энг муҳим омилларни санаб ўтсангиз...

— Бу гапнинг иккинчи қисмига қўшилмайман. Ҳа, бошқа тиллардан ўзбекчага ўнгириб — бизга тан, вазифамиз шу. Барча халқларда ҳам шунанга. Аммо фақат бизда, нима учундир, адабиётимиз намуналарини бошқаларга ўзимиз таржима қилиб беришимиз керак, деган хато бир тушунча пайдо бўлди ва баайни қоида тарзида амал қилляпти. Гуё ана шунда биз дунёга танилар эмишимиз. Ажаб, инглиз ё невис адабиёти дунёга танилиши учун улар ўз асарларини бизга таржима қилиб берганми? Нега, нима учун биз бошга киришимиз керак? Биз бунга қанчалик удалла оламиз? Биз испан, вьетнам, форс, рус, фаранг, инглиз ва ҳоказо тилларга ўзимиз таржима қилиб берсак, уларда бунга хоҳиш бўлмаса, бу нимага керак?

Саволнинг маъзига келадиган бўлса, таржима — жуда қалтис жараён. Қай тилдан таржима қилсангиз, ўнгириб жараёнида ўша тилнинг хоссалари сини "босади", таъкир ўтказди, аспиятдаги жумла тузилишлари, ибора ва ифода шакллари она тилингизда пайдо бўла бошлайди. Бу дегани, оздир-кўлдир, тил бойиди, аммо шунинг баробарида оз-оздан бузила бошлайди, асл миллий хоссалари четга сурила боради. Демак, кимки таржима қилишга киришар экан, чет тилини билиши кирфоя эмас, ўз она тилининг табиятини теран ҳис этсин, ўхшосиз ифода шакллари қўлламасин. Чунки она тилимиз — асосий қадрият. Мана, ҳозир тилимизда "бандлиқни таъминлаш", "бандлиққа қумаклаш" сингари ифода шакллари пайдо бўлди. Бошқа мисол шарт эмасдир. Ўзбек одам тушунадими шунга? Бунақа чучмал нарсалар кўр-кўрона, ноижодий таржималардан пайдо бўляпти, бир-бири билан қўшилиб, уриб ҳам кетаяпти.

— Устоз таржимонлар мактабининг давом эттиришимиз учун соҳадаги ютуқ ва камчиликлар нималарда кўринапти?

— Адабиёт (таржима адабиёти ҳам), бадий бойликларни йиғиб, бойитиб-қўпайтириб келгуси авлодларга узата олсанга тарқайи этади. Тўп-ланган бой тажриба ва маҳоратни эгаллаш учун ўзбек таржима мактабининг сабоқлари ўрганилиши, умумлаштирилиши лозим. Устоз Иброҳим Фафуров ўн беш йилча аввал XX аср таржимонлари фаолияти, бадий маҳоратига бағишланган китоб яратишга киришган эди, бироқ ҳеч ким уни қўлламади, грант ажратмади. Оқибат, у яхши ниятликча қолиб кетди.

— Хорижий адабиётларни ўзбек тилига таржима қилишда номухтаҳассис таржимонлар фаолияти, таржима санъатининг шакллантиришда лугатларнинг ўрни, таржимачилик соҳасининг электрон таржимонларга "суяниб" қолаётгани тўғрисида фикрланганми?

— Бу саволнинг биринчи қисмига боя билганмича жавоб берган бўлдим. Лугат масаласига келсак, ишида лугатдан фойдаланмайдиган табоқлик романингиз чиқса, ўн минг сўм эмас, ўттиз минг сўм оласиз! Ўттиз минг — катта пул, унга... — адиб хона совуқлиги учун қийиб ўнгирган телпагини бошидан олиб, столга қўйди, — манови телпақнинг битта қулғонини беради. Чиндан ҳам, у йиллар яхши бир телпақнинг баҳоси ўн минг сўмга чиққан эди. Холбуки, мутаржим шу иши билан уй сотиб олиши, машина олиб минини, бола-чақа боқиси керак эди. Ҳозир бу ўтмиш бўлиб қолди.



табоқлик романингиз чиқса, ўн минг сўм эмас, ўттиз минг сўм оласиз! Ўттиз минг — катта пул, унга... — адиб хона совуқлиги учун қийиб ўнгирган телпагини бошидан олиб, столга қўйди, — манови телпақнинг битта қулғонини беради.

Чиндан ҳам, у йиллар яхши бир телпақнинг баҳоси ўн минг сўмга чиққан эди. Холбуки, мутаржим шу иши билан уй сотиб олиши, машина олиб минини, бола-чақа боқиси керак эди. Ҳозир бу ўтмиш бўлиб қолди.

— Хаттотлик тарихи Қуръони каримни ёзиб олиш даври билан боғлиқ, — дейди Мармара университети (Туркия) профессори Эфдалуддин Қилич. — Хаттотликда устоз-шогирд муносабатлари муҳим ўрин тутди. Хаттотлик тарихининг учун эмас, балки инсоннинг ички дунёси,

руҳиятини озиқлантирадиган санъат туридир. Исломи дини тарихида хаттотларнинг алоҳида ўрни бор. Қуръони каримнинг фақат ўқиб тушуниб қолмасдан, уни инсонларга дид билан етказиш бевосита хаттотларнинг ҳам вазифаси бўлган.

Қизгин мунозара, савол-жавоблар тарзида ўтган анжуманда ҳамкор ташиқлотлар билан илмий-амалий алоқаларни янада ривожлантириш борасида фикр алмашилди. Конференцияда тақдим этилган маърузалар алоҳида тўпلام ҳолида чоп этилиши, унда ёшларнинг илмий мақолалари ҳам ўрин олиши таъкидланди.

— Хаттотлик тарихи Қуръони каримни ёзиб олиш даври билан боғлиқ, — дейди Мармара университети (Туркия) профессори Эфдалуддин Қилич. — Хаттотликда устоз-шогирд муносабатлари муҳим ўрин тутди. Хаттотлик тарихининг учун эмас, балки инсоннинг ички дунёси,

руҳиятини озиқлантирадиган санъат туридир. Исломи дини тарихида хаттотларнинг алоҳида ўрни бор. Қуръони каримнинг фақат ўқиб тушуниб қолмасдан, уни инсонларга дид билан етказиш бевосита хаттотларнинг ҳам вазифаси бўлган.

Қизгин мунозара, савол-жавоблар тарзида ўтган анжуманда ҳамкор ташиқлотлар билан илмий-амалий алоқаларни янада ривожлантириш борасида фикр алмашилди. Конференцияда тақдим этилган маърузалар алоҳида тўпلام ҳолида чоп этилиши, унда ёшларнинг илмий мақолалари ҳам ўрин олиши таъкидланди.

— Хаттотлик тарихи Қуръони каримни ёзиб олиш даври билан боғлиқ, — дейди Мармара университети (Туркия) профессори Эфдалуддин Қилич. — Хаттотликда устоз-шогирд муносабатлари муҳим ўрин тутди. Хаттотлик тарихининг учун эмас, балки инсоннинг ички дунёси,

руҳиятини озиқлантирадиган санъат туридир. Исломи дини тарихида хаттотларнинг алоҳида ўрни бор. Қуръони каримнинг фақат ўқиб тушуниб қолмасдан, уни инсонларга дид билан етказиш бевосита хаттотларнинг ҳам вазифаси бўлган.

Қизгин мунозара, савол-жавоблар тарзида ўтган анжуманда ҳамкор ташиқлотлар билан илмий-амалий алоқаларни янада ривожлантириш борасида фикр алмашилди. Конференцияда тақдим этилган маърузалар алоҳида тўпلام ҳолида чоп этилиши, унда ёшларнинг илмий мақолалари ҳам ўрин олиши таъкидланди.

— Хаттотлик тарихи Қуръони каримни ёзиб олиш даври билан боғлиқ, — дейди Мармара университети (Туркия) профессори Эфдалуддин Қилич. — Хаттотликда устоз-шогирд муносабатлари муҳим ўрин тутди. Хаттотлик тарихининг учун эмас, балки инсоннинг ички дунёси,

руҳиятини озиқлантирадиган санъат туридир. Исломи дини тарихида хаттотларнинг алоҳида ўрни бор. Қуръони каримнинг фақат ўқиб тушуниб қолмасдан, уни инсонларга дид билан етказиш бевосита хаттотларнинг ҳам вазифаси бўлган.

Қизгин мунозара, савол-жавоблар тарзида ўтган анжуманда ҳамкор ташиқлотлар билан илмий-амалий алоқаларни янада ривожлантириш борасида фикр алмашилди. Конференцияда тақдим этилган маърузалар алоҳида тўпلام ҳолида чоп этилиши, унда ёшларнинг илмий мақолалари ҳам ўрин олиши таъкидланди.

— Хаттотлик тарихи Қуръони каримни ёзиб олиш даври билан боғлиқ, — дейди Мармара университети (Туркия) профессори Эфдалуддин Қилич. — Хаттотликда устоз-шогирд муносабатлари муҳим ўрин тутди. Хаттотлик тарихининг учун эмас, балки инсоннинг ички дунёси,

актёрлар ҳам бу китоб таржимасини ўқимаган. Энди саволага келсак, Мирзакалон Исмоилий таржима мактабининг ўзига хослиги тил бойлигида кўринади, менимча. У киши ўнгирган асарларни ўқсангиз, тилимиз нақадар бой, ширали эканига амин бўласиз. Едингида бўлса, устоз Ғайбулла Саломов у кишининг таржималари асосида "Мирзакалон лугати"ни тузиш керак, деган эди. Мутаржим ўзи ўнгирётган асарни ёқтириши, севиб қолиши, қуйиб-ёниб таржима қилиши керак. М.Исмоилий ҳаммадан шуни талаб этар, ўзи ҳам шу қоидага амал қиларди.

Кейин, чинакам таржима устаси ҳеч бир асарни "таржима қилиш учун" таржима қилмайди, балки шу асарни ўқувчига етказиб, унинг дилида янги ғоялар уйғотишни кўзлайди. Мирзакалон Исмоилий Войничнинг "Сўна" романини 1956 йилда ўнгирган. Асар домла тирик пайтида олти бор чоп этилган ва ҳар янги нашрда адиб таржима матнига сайқал беришдан чарчамаган. Нега? Чунки "Сўна" — италян ёшларининг она юртларини эгаллаб олган невис босқинчиларига қарши уюш-ишлари ва кураши ҳақидаги роман. Домла бу таржима орқали ўзбек ёшлари онгда ватан ҳиссини кўзготилиши кўзлаган. Зеро, бу одам — Чўлпоннинг котиби ва шогирди эди...

— Бугунги кундаги таржима асарларининг маънавий қиёфасига чизги берсангиз...

— Кўп тиллардан таржима қилишни бошладик, бу катта ютуқ. Илгари ўзбек тилига асосан, бадий асарлар ўнгирилган бўлса, энди бошқа соҳага оид китоблар ҳам ўнгирила бошланди. Аммо жуда оз. Тушуниб турибман, сиз бу ўринда бадий таржималарни кўзда тутаясиз. Аммо мен шу савол баҳонасида бошқа гапимни айтиб олай.

Илмий, техникавий, тиббий, ишлаб чиқариш ва ҳоказо — барча хилдаги асарларни она тилимизга ўнгир олсак, уларнинг сони ва қўлами лозим даражада етса, идораларда иш юритиш қоғозларига ўзбекчалашиб қолмай, ишлаб чиқариш технологиясининг ўзи ҳам ўзбекчалашса — ўзбек тилидаги чизмага қараб иморат қуриласа, автомашина ясалса, банкларро муомала шу тилда бўлса, ўзбек шифокори ўзбекча тиббий китоб ўқиб, шу орқали касб ўрганса... ана шунда ўзбек тили давлат тили бўлади. Қўриб турибсизки, юк жуда оғир. Аммо мустақил давлат бўлиб қолишимиз, миллат сифатида йўқ бўлиб кетмай ўсишимиз шунга боғлиқ. Афсус, бунга тушунамаётган, тушунса ҳам,

## АНЖУМАН

# МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ:

Ўзбекистон халқаро ислом академиясида шу мавзуда ўтказилган III халқаро илмий-амалий конференцияда Марказий Осие минтақасида ўрта асрларда жаҳон тамадуни ривожига бебаҳо хисса қўшган аллома ва мутафаккирларнинг турли йўналишлардаги изланишлари ва қомусий билимлари ҳамон эътироф этилаётгани яна бир бор ўз исботини топди.

# Утмиш ва бугун

Марказий Осие минтақаси ўзининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маърифий ва геополитик имкониятлари билан дунё эътиборида турибди. Азалдан яхши қўшничилик, ҳамжихатлик, савдо-иқтисодий ва илмий-маданий алоқалар ривожланган. Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашгани геосиёсий нуқтаи назардан муҳим аҳамиятга эга.

Анжуманда IRCICA тадқиқотчилари, Мармара университети (Туркия), Қозон федерал университети (Россия), Уш давлат университети (Қирғизистон) профессор-ўқитувчилари, доцентлар, юртимиздаги халқаро илмий-тадқиқот марказлари директорлари, ёш олимлар, талабалар иштирок этди. Онлайн ва оффлайн форматда ўтган конференция қатнашчиларига Ислом тарихи, санъати ва маданиятини тадқиқ этиш халқаро маркази — IRCICA Бош директори, профессор Махмуд Эрроп Қилич видеоурожаат йўллади. Унда жумладан, шундай дейилади:

— Ушбу анжуман ҳар йили аънаваний тарзда ўтказилиши билан бир қаторда,

доимий равишда мавзулар ва иштирокчилар қўлами билан аҳамиятини бўлиб бормоқда. Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳамда IRCICA билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур илм машварати, ушбу соҳадаги тадқиқотлар

Марказий Осиенинг маданий тарихи ва меросини эътироф этди. Шунингдек, Марказий Осие ва дунёнинг бошқа минтақалари ўртасидаги маданий ўхшашлик ва ўзаро алоқаларни белгилаб беради. Марказий Осие халқлари маданияти,

диний аънава ва урф-одатлари ҳақидаги мақолалар аввалги икки конференция каби соҳа ривожига хисса қўшишига умид қиламиз.

Конференцияда "Маданий меросни асраб-авайлаш: Марказий Осиеда ислом цивилизацияси барқарорлигининг муҳим воситаси", "Замашарийнинг "Муфассал" асарига Қуръон оятларининг қўлланилиши", "Туркия кутубхоналарида Абу Райҳон Беруний асарлари қўлёзмаларининг ўрганилиши" каби мавзуларда маърузалар тингланди.

"Марказий Осие минтақасида ислом маданияти ва санъати", "Марказий Осие мутафаккирлари илмий-маънавий мероси", "Марказий Осие тарихий ёдгорликлари эпиграфикаси ва архитектураси" ҳамда "Марказий Осие халқларининг урф-одат ва аънаваларидаги умумийлик



Муножат МҮМИНОВА, "Янги Ўзбекистон" мухбири

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти" ДУК  
МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташиқлот жавобгар.  
Газета таҳририят компьютер маърузасида саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "ШАРҚ" НМАК масъул.  
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашир индекси — 236. Буюртма Г-1064.  
80721 нусхада босилди.  
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

"ШАРҚ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Феруза Жўраева  
Мусахҳис: Рашид Хўжамаов  
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилими:  
100029, Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўза Якуни — 23.00 Топшириғди — 00.45